

Bugungi globallashuv sharoitida har qanday davlat va jamiyatning asosini tashkil etadigan asl va fundamental qadriyatlarni unutmashimiz lozim.

Shavkat MIRZIYOYEV



ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 14-oktabr, shanba № 82 (9043)

МДХНИНГ СОЧИ САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 10-11 октябрь кунлари Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этди.

Саммитнинг асосий тадбирлари 11 октябрь куни бўлди.

Сочидаги Халқаро конгресслар марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Россия Федерацияси Президентини Владимир Путин кутиб олди.

Дастлаб МДХ давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ушбу халқаро тузилма фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро масалалар юзасида фикр алмашилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги 1991 йил 8 декабрдаги МДХни тузиш тўғрисидаги битим ҳамда 1991 йил 21 декабрдаги мазкур битимга протокол асосида ташкил қилинган. Ушбу халқаро тузилмага Ўзбекистон Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Туркменистон, Тожикистон Республикаси ва Украина аъзо ҳисобланади. Ижроия қўмита МДХнинг ижро этувчи, маъмурий ва мувофиқлаштирувчи идорасидир.

Ўзбекистон МДХ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликда фаол иштирок этиб келмоқда. Бу аъзо мамлакатлар билан турли соҳалар-

даги алоқалар ривожига ҳисса қўшмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Ҳамдўстлик мамлакатлари билан савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт, туризм, илм-фан, таълим ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини таъкидлади. Йил бошидан буён мамлакатимиз билан МДХ давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 20 фоиз ўсган.

Ўзбекистон тузилмадаги иштирокини янада фаоллаштириди. Шу йил 3 ноябрь куни пойтахтимизда МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ҳамдўстлик доирасида янги, аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлигини қайд этди.

Транспорт ва коммуникациялар ҳамкорлигининг стратегик муҳим йўналиши ҳисобланади. Ўзаро интеграциялашган транспорт тизимларини ривожлантириш, Ҳамдўстлик минтақасининг улкан транзит салоҳиятидан тўла фойдаланиш барча учун манфаатли. Маъмурий жараёнларни такомиллаштириш ва ўзаро имтиёзлар бериш бу борада муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Владимир Владимирович!

Ҳурматли давлат раҳбарлари! Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари саммити иштирокчиларини қутлашга ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путинга самимий қабул ва меҳмондўстлик, шунингдек, учрашувимиз юксак даражада ташкил этилгани учун чукур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Россия ўзининг раислиги доирасида Ҳамдўстликнинг устувор ва зифаларини амалга ошириш бўйича кенг қўламли ишларни бажарди.

Энг муҳими, Россия Федерациясининг принципиал позицияси тўғрисидаги мунозараларга «яқуний нукта» қўйилди.

Ҳамдўстлик ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини тўлиқ исботлаганини таъкидламоқчиман.

Бугунги кунда Ташкилотимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, унинг халқаро нуфузини муттасил ошириб бориш зарурлиги ҳақида аниқ тасаввур мавжуд.

Бу Россия МДХ фаолиятида, сиёсий, савдо-иқтисодий ва гумани-

тар соҳаларда ўзаро манфаатли муносабатларни кенгайтиришда муҳим ва асосий ўрин эгаллашини яна бир бор тасдиқлайди.

Хурматли ҳамкасблар! Барчамиз бугун дунёда рўй бераётган шиддатли ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Илғор технологияларнинг фаол жорий қилинаётгани ва глобал ахборот-коммуникация макони тараққий этаётгани барча жараёнларни жадал ва тез ўзгартирмоқда, қитъалар, минтақалар, давлатлар ва бизнес даражасидаги ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бугун ҳаётнинг ўзи эскича ёндашувлар самарасиз эканини яққол тасдиқламоқда. Асосий эътиборни конструктив амалий ҳамкорликка қаратиш лозим.

Биз шиддат билан олдинга қараб ҳаракат қилишимиз зарур.

Бу борада Ўзбекистон ўз ёндашувларини жиддий мақбуллаштириш ва МДХ фаолиятидаги иштирокига сифат жиҳатидан янги суръат бағишлашни мақсад қилиб қўйган.

(Давоми 2-бетда.)

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБIIЙ ГАЗ ИСТЕЪМОЛИДА ҚОНУНИЙЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 13 октябрь куни sanoat va ixtimoiy soxa obyektlari, aholini tabiiy gaz, elektr energiyasi bilan uzluksiz ta'minlash, bu boradagi qarzdorlikni bartaraf etish, ushbu iynalishdagi amaliy chora-tadbirlarga baghishlangan iynilish bulib utdi. Ushbu masalalar buyicha Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси раҳбарияти ва тегишли мутасаддилар ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Бош прокурори, "Ўзбекэнерго", "Ўзтрансгаз" компаниялари раҳбарлари, мутасадди идоралар вакиллари иштирок этди.

Асосий эътибор, аввало, аҳоли, ишлаб чиқариш объекти, ижтимоий муассасаларни табиий газ, электр энергияси билан узлуksiz таъминлаш, бу борадаги тўловларнинг амалга оширилиши, бугунги ҳолат ва муаммоларга қаратилди.

Маълумки, "Ўзбекэнерго" ва "Ўзтрансгаз" компаниялари фаолиятидаги хато ва камчиликлар, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланишининг олдини олиш, дебитор қарздорликни камайтириш билан боғлиқ муаммолар тармоқ зиммасидаги вазифаларни изчил бажариш, қўйилган мақсадларга эришишга тўққинлик қилар эди.

(Давоми 3-бетда.)

Сифатли таълим асоси



Фарғона вилояти Сўх тумани Зангат қишлоғида янгидан бунёд этилган 25-умумтаълим мактаби жорий ўқув йили бошида ўқувчилар ихтиёрига топширилди.

Таълим масканида ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол улғайиши учун барча шароит яратилган. Кенг ва ёруғ синфхоналари, замонавий ўқув технологиялари, кўرғазмалли воситалар ўқувчилар хизматида. Ахборот-ресурс маркази бой китоб фондига эга.

М.ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Глобаллашув:
Тиллар тараққийоти
ва таназули

8-9-бетлар

Дарсликдаги
кўчирмакашлик

11-бет

МДХНИНГ СОЧИ САММИТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Туризм соҳасидаги имкониятлар ҳам тўла ишга солинмагани, бу имкониятларни таҳлил қилиш ва аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Афғонистондаги вазиятга ҳам эътибор қаратилди. Жиноий даромадларни легаллаштириш, коррупция, терроризм, нарко-бизнес каби хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш масалалари муҳокама қилинди.

МДХга раислик қиладиган навбатдаги мамлакат масаласи кўриб чиқилди. Умумий қарорга мувофиқ, 2018 йилдан ушбу халқаро тузилмага раислик Тожикистон Республикасига ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу муносабат билан Президент Имомали Раҳмонни табриклади ва ушбу масъулиятли вазифани бажаришда муваффақиятлар тилади.

Давлат раҳбарлари музокара-ларини кенгайтирилган таркибда давом эттирди.

Мажлисда Ҳамдўстлик мамлакатларининг Парламентларaro ассамблеяси фаолиятини тақомиллаштириш, Ташқи ишлар вазирлиги кенгаши ва Иқтисодий кенгашини ривож-латириш, келгуси йилларда МДХнинг маданий пойтахтларини белгилаш каби масалалар муҳокама қилинди.

МДХга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Оила институти ва аънанавий оилавий кадрларни қўллаб-қувватлаш бўйича баёноти, Ҳамдўстликда 2019 йилни Китоб йили, 2020 йилни 1941–1945 йиллардаги улуғ Ватан уруши-да қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги йили, деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ҳамдўстлик мамлакатларининг жиноий даромадларни легаллаштириш, терроризм ва қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштириш, коррупцияга қарши курашиш соҳалари-даги ҳамкорлигига доир концепциялар маъқулланди.

Шунингдек, МДХ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган яна қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Саммит доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев ушбу учрашувдан мамнунигини билдириб, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари аниқ амалий мазмун билан бойганини алоҳида таъкидлади.

Владимир Путин Шавкат Мирзиёевни Сочига таширифи билан қўлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил апрель ойида Россияга давлат таширифи чоғида эришилган келишувлар изчил амалга оширилаётгани ва бу ўз самараларини бераётганини қайд этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакат-

ларимиз БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Президентининг Россияга давлат таширифидан сўнг ўтган қисқа даврда ўзаро алоқалар сезиларли фаоллашди. Ҳамкорлик доирасига янги соҳалар қўшилди. Кейинги ойларда ҳукуматларaro ва ҳудудларaro даражада бир қанча таширифлар амалга оширилди.

Россия Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан. Мамлакатимизда Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Экспорт ва импортнинг барча кўрсаткичлари бўйича ўсиш қузатилмоқда. Йил бошидан буён ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 миллиард доллардан ошган.

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Россия бизнес-форумида икки мамлакат ишбилармонлари кўплаб истиқболли келишувларга эришди.

Саноат ва қишлоқ ҳўжалиги тармоқларини ўртасида кооперация кучаяётгани, бизнес вакилларини ҳамкорлиги кенгаётгани, халқларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар мустақамланиб бораётгани таъкидланди. Москва ва Бутун Рус Патриархи Кириллнинг Ўзбекистонга таширифи ҳам халқларимиз ўртасида дўстлик ва ўзаро англашувни мустақамлашга хизмат қилгани қайд этилди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг учрашуви бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарларининг 2016 йил Самарқандда ўтган учрашувидан кейин Ўзбекистон ва Беларусь муносабатлари фаоллашгани, ўзаро савдо айланмаси сезиларли ошганини таъкидлади. Икки мамлакат иқтисодиёти бир-бирини тўлдириши, қишлоқ ҳўжалиги, тўқимачилик, машина-созлик, озиқ-овқат саноати ва бошқа соҳаларда фойдаланилмаган катта имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Александр Лукашенко Беларусь Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Беларусь Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим иқтисодий шерик сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда.

Қўшма корхоналар ташкил этиш, савдо уйлари кенгайтириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Беларусь Президенти Александр Лукашенкони Ўзбекистонга тақлиф этди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ
Тошкент — Сочи —
Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, МДХ Ўзбекистон учун шунчаки мулоқот, фикр алмашиш ва қарашларни солиштириш «майдони» эмас.

Бу тузилма биз учун устувор соҳаларда амалий ҳамкорлик қилишнинг ғоят муҳим институтидир. Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар эса бизнинг доимий шерикларимиз, қўшнилариимиз ва дўстларимиздир.

Шу муносабат билан биз Ўзбекистон Республикаси миллий координатори мақомини ташқи ишлар вазири ўринбосаридан Бош вазир ўринбосари даражасига кўтаришга қарор қилдик.

Шунингдек, биз МДХ Иқтисодий кенгашидаги иштирокимизни қайта тикладик. Биз Ўзбекистоннинг МДХ доирасидаги ҳуқуқий базаси ва ҳамкорлиги ҳолатини тубдан қайта кўриб чиқиш ва шу асосда уни кенгайтириш учун имкониятлар истиқболлини белгилаб олишни режалаштирганмиз.

Биз бир қатор устувор йўналишлар бўйича, аввало, савдо, инвестиция, транспорт, туризм, таълим ва илм-фан, шунингдек, хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни фаоллаштиришдан манфаатдоримиз. МДХнинг биз аввал иштирок этмаган тармоқ органлари фаолиятида иштирок этишга тайёрмиз.

Бизнинг пировард мақсадимиз — Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорлигини фаоллаштириш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқишдир.

Буларнинг барчаси муносабатларимизда принципал жиҳатдан янги саҳифа очишига, кенг қўламли ва самарали шерикликни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратишига ишонаман.

Бу борадаги биринчи қадам сифатида 3 ноябрь куни Тошкентда илк бор МДХ Ҳукуматлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси ўтказилди.

Сизлар қўллаб-қувватласангиз, биз 2020 йилда Ҳамдўстликка раисликни қабул қилиш ва навбатдаги Саммитни Ўзбекистонда ўтказишга тайёрмиз.

Мухтарам делегациялар раҳбарлари! Биз ўз олдимизга долзарб муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, ишонч ва ўзаро англашувни мустақамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича аниқ ва равшан мақсадлар қўймоқдамиз.

Шу муносабат билан МДХда Ўзбекистон иштирокининг қуйидаги устувор йўналишларини алоҳида қайд этмоқчиман.

Биринчидан. Биз Ҳамдўстлик маконида ҳеч қандай истисно ва чекловларсиз тез фурсатда **тўлақонли эркин савдо ҳудудини шакллантиришнинг** тарafdоримиз.

Йил бошидан буён Ўзбекистон ва МДХ мамлакатлари ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 20 фоиздан зиёд ошганини таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон МДХга аъзо мамлакатлар билан савдо, инвестиция, инновация ва молия соҳаларида янги лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор. Биз венчур лойиҳалар ва иқтисодий зоналарни биргаликда ривожлантиришга тайёрмиз.

Иккинчидан. Транспорт ва коммуникациялар соҳаси, МДХ маконида самарали интеграциялашган транспорт тизимини ривожлантириш, минтақамизнинг улкан транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш стратегик муҳим йўналишдир.

Маъмурий тартибот ва регламентларни тақомиллаштириш, юк ташувлари ва транзит учун ўзаро преференциялар тақдим этишни бу борадаги ишларнинг муҳим жиҳатлари, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан. Амалий **илмий-техник ҳамкорлик ва таълим соҳасидаги алмашувни** кенгайтиришга ҳамкорликдаги ҳаракатларимизнинг устувор йўналиши сифатида қараймиз.

Бизнинг Россиянинг нуфузли олий таълим муассасалари билан биргаликда тўплаган тажрибамиз асосида юқори маънавий кадрлар тайёрлаш бўйича қўшма дастурлар, юқори технологиялар соҳасида лойиҳалар, шунингдек, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб боришни тақлиф этамиз.

Тўртинчидан. Туризм соҳасида катта истиқболлар мавжуд. Фикримизча, биздаги кенг имкониятлар ва улкан туризм салоҳияти, афсуски, ҳалигача тўлиқ ишга солинмаган.

МДХга аъзо давлатларининг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини 2020 йилга қадар ривожлантириш стратегияси амалга оширилишини биргаликда таҳлил қилиш ва аниқ ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш мақсадида Ҳамдўстликнинг Туризм бўйича кенгашининг навбатдаги мажлисаридан бирини Самарқандда ўтказишни тақлиф қиламиз.

Бешинчидан. Биз ҳарбий-техник соҳадаги кооперация даражасини ошириш, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд шартнома ва битимлар доирасида қўшма дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқишдан манфаатдоримиз.

Олтинчидан. Барча бунёдкорлик режаларимизни фақат тинчлик ва барқарорлик шароитида, хавфсизликка таҳдид солувчи замонавий хавф-хатарларга ўз вақтида жавоб қайтариш орқали рўёбга чиқариш мувоқиллиги аён ҳақиқатдир.

Шу муносабат билан жиноятчилик, терроризм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши ва одам савдосига қарши муросасиз курашиш соҳасида **ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматлар йўналишидаги ҳамкорлик** муҳим амалий аҳамиятга эга.

Афғонистондаги мураккаб вазият жиддийлигича қолмоқда.

Ўзбекистон Россия, Марказий Осиё мамлакатлари ва МДХнинг бошқа давлатлари билан ҳамкорликда Афғонистон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал қилиш бўйича қўмақлашишга тайёрлигини билдиради.

Хурматли ҳамкасблар! Мажлисимиз кун тартибининг муҳокама қилар эканмиз, **Оила институти ва аънанавий оилавий кадрларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги баёноти** алоҳида қайд этмоқчиман.

Бугунги глобаллашув шароитида ҳар қандай давлат ва жамиятнинг асосини ташкил этадиган асл ва фундаментал қадриятларни унутмаслигимиз лозим.

Ўсиб келаётган авлод айнан оилада маънавий-ахлоқий тарбия олади, масъулиятли бўлишни ва лоқайд бўлмашликни ўрганади.

Ушбу муҳим соҳада тажриба алмашиш мақсадида Ўзбекистонда келгуси йилда «Оилани мустақамлаш ва ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли» мавзусида халқаро конференция ўтказишни тақлиф этамиз.

Мухтарам давлат раҳбарлари! Бугун бўлиб ўтган самарали мулоқот ва қабул қилинган қўшма қарорлар МДХ доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда муҳим қадам бўлишига ишонаман.

Ҳамдўстликка расмийлик қабул қилгани муносабати билан Тожикистон Президенти Имомали Шарипович Раҳмонга билдирилган табрикларга қўшиламан ва ушбу масъулиятли вазифани бажаришда унга катта муваффақиятлар тилайман.

Сўзимнинг якунида Россия томонига ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путинга самимий қабул ва саммит юксак даражада ташкил этилгани учун яна бир бор ўзимнинг миннатдорлигимни билдираман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

2017-yil 14-oktabr, № 82 (9043)

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИЙ ГАЗ ИСТЕЪМОЛИДА ҚОНУНИЙЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шартномавий мажбуриятларни bajarмаган истеъмолчиларга нисбатан таъсирчан чоралар кўрилмагани, ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ишлари оқсагани қарздорликларнинг кескин ортиши, талон-тарожликлар ва истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўловлардан бўйин товлаш ҳолатлари кўпайишига олиб келаётган эди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юрйтиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан соҳадаги ишлар тубдан такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилди.

Бюронинг асосий вазифалари фойдаланилган энергия ресурслари учун қарздорликни кескин камайтириш, электр энергияси ва табиий газ тармоқларига ноқонуний уланишларнинг олдини олиш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлашдан иборат. Фармон асосида Адлия вазирлиги ҳузурида фаолият юритган Суд департаментининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифа ва ваколатлари Бюрога ўтказилди. Эндиликда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Бюронинг давлат ижрочилари томонидан амалга оширилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан олиб борилаётган илчил ислохотлар, Мажбурий ижро бюросининг фаолияти натижасида жорий йилнинг июнь — сентябрь ойларида 5 триллион 400 миллиард сўм қарздорлик ундирилди. Унинг 3 триллион 400 миллиард сўми

электр энергияси, 2 триллион сўми табиий газ ҳисобига тўғри келади.

Жисмоний ва юридик шахслар билан олиб борилаётган тушунтириш-тарғибот ишлари бундай натижаларга эришиш имконини бермоқда. Ўтган даврда давлат бюджетига 171 миллиард сўм зарар етказиши мумкин бўлган 182 жиноий ҳолат аниқланган ва уларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилган.

Аммо соҳада ўз ечимини қутаётган муаммолар ҳали кўп. "Ўзбекэнерго" ва "Ўзтрансгаз" тизимида янгиликда интилишини етишмаслиги, ўзибўларчилик ва талон-тарожлик ҳолатлари мавжудлиги, афсуски, ҳамон бу соҳада муаммолар сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Шавкат Мирзиёев куз-киш мавсумига тайёргарлик жараёнида айрим соҳалар раҳбарларининг ишга совокун муносабати, ҳамон учраётган эскича қарашлар мамлакатимиз тарақ-

қиёти ва аҳоли фаровонлигига салбий таъсир кўрсатишини инobatга олиб, бундай ҳолатларга ўз вақтида тегишли чоралар кўриш, ишни ташкил этишда янгича ёндашувларни ҳаётга татбиқ этиб бориш вақти келганини таъкидлади.

Танқидий таҳлил руҳида ўтган йилги Мажбурий ижро бюроси фаолияти, қарздорликларни ундириш, ҳуқуқбузарликларни фoш этиш, суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш, ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Мажбурий ижро бюроси фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳага зamonaviy ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этиш, санаот тармоқлари мутасаддилари, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликни кенгайтириш каби муҳим вазифалар бўйича топширилди берди.

ЎЗА

Китобга эътиборнинг янги босқичи

Одатда бир неча юз саҳифали бадиий китоб, дугат ва маълумотнома, энциклопедияни кўлга олиш, varaқлаш бироз нуқулдай. Жаҳон ноширлик тажрибасида ана шу муаммага ўзига хос ечим топилган. Мамлакатимизда ҳам халқаро малакага таяниб, енгил вазили китоблар чоп этилмоқда.



"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида тайёрланаётган бундай китоблар ҳар томонлама қулай, саҳифалари кўзни чарчатмайди, нархи нисбатан арзон. Яқиндан бошлаб инновацион технологиялар асосида 3D ўлчамли китоблар ҳам чоп этила бошланди. Бу лойиҳа Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ва "Solar Technology" маъсулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилган бўлиб, мамлакатимиз ноширлик соҳаси учун янгиликдир.

Матбуот ва ахборот агентлигининг олинган маълумотга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ortиқ нашриёт, 1 минг 800 га яқин матбаа корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, улар томонидан йилга 4 минг номдан зиёд, умумий адади 50 миллион нусхадан ortиқ китоб маҳсулотлари нашр этилмоқда.

Мамлакатимизда ноширликни ривожлантириш билан бирга ёшларнинг китобга бўлган эътиборини кучайтириш, муталаа маданиятини юксалтириш борасида "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" шiori остида китоб байрамлари, "Китоб — миллатнинг бебаҳо маънавий ва маданий мероси" мавзуда илмий-амалий конференция, "Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажиги" шiori остида "Болалар китоби" аънаваний фестивали ўтказилмоқда.

Адабиётга салмоқли ҳисса қўшган адибларнинг, айниқса, ёш қаламкашларнинг асарларини чоп этиш ишлари ҳам домий эътиборда. Масалан, Ёзувчилар уюшмасининг "Ижод" фонди томонидан 2010 йилдан бунён "Биринчи китобим" сериясида ёш ижодкорларнинг 1 миллион 220 минг нусхадда китоби чоп этилган.

Гап ноширлик ҳақида экан, соҳага оид ҳуқуқий базани такомиллаштириш масаласи ҳам долзарбдир. Бунда китоб маҳсулотлари чоп этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ шакли ва механизмларини белгилаш, ижтимоий аҳамиятга молик адабиётларга грантлар ажратиш, ноширлар ва адиблар фаолиятини рағбатлантириш, болалар адабиётига ихтисослаштирилган нашриётларга молиявий имтиёзлар тақдим этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Мамлакатимизнинг олис ҳудудларида кенг assortiment ва зamonaviy шарт-шарoитларга эга китоб дўконлари фаолиятини кучайтириш зарурати мавжуд.

Шу бoис Президентимиз ташаббуси билан жорий йилдан миллатимиз маънавиятини китоб ва китобхонлик ёрдамида юксалтириш ишларига эътибор янада кучайтирилди. Адабиётимиз ва санъатимизнинг атоқли вакиллари Исҳоқон Ибрат, Комилжон Отаниёзов, Шароф Рашидов, Эркин Воҳидовнинг юбилей саналарини ўтказиш, Ўзбекистон Миллий боғида "Адиблар хиёбони"ни барпо этиш, санъат даргоҳлари мақомини ошириш тўғрисида муҳим ҳужжатлар эълон қилинди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур ҳужжатда нашриётлар фаолиятини тубдан модернизация қилиш, уларнинг самардорлигини ошириш учун давлат томонидан имтиёزلарни кўпайтириш, ҳудудларда, айниқса, қишлоқ жойларида кутубхоналар барпо этиш ва улар

учун малакали мутахассислар тайёрлаш, чоп этилаётган китоблар савияси ва сифати, адади ва нархини қатъий назоратга олиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган китобларни, айниқса, болаларга мўлжалланган адабиётларни чоп этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, китоб маҳсулотлари бўйича давлат бююджетининг асосий йўналишларини шакллантириш, адабий-бадиий, ўқув-ўқувий, илмий-назарий, илмий-оммабоп ва кўргазмалли адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштиришдек долзарб вазифалар белгиланган. Шунингдек, китоб савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ҳам қатор имтиёзлар бериш кўзда тутилган.

Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги мамлакатимизда китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланган.

Президентимиз қарори билан тасдиқланган дастурда 35 банддан иборат топшириқ белгиланган бўлиб, унинг 30 банди ижросини таъминлашда Агентлигимиз бевосита иштирок этмоқда, — дейди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ахборот хизмати раҳбари Ж.Жангиров. — Айни вақтда қатор вазирилик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда янги таҳрирдаги "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тайёрланмоқда. Шунингдек, болалар адабиётига ихтисослашган нашриётларга молиявий имтиёзлар бериш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам аниқ тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

Агентлик, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти, етакчи нашриётлар томонидан аҳолининг китоб маҳсулотларига бўлган эътиборини қондиришда яна бир қулайлик яратилди. Китоб маҳсулотларини нашриётлардан ҳудудларга арзон нархларда етказиш, онлайн бююрт-

ма бериш ва уларни почта орқали китобхонларга етказиб бериш бўйича махсус тизим ишлаб чиқилди ва у тез кунда ишга туширилади.

Мазмунан саёз, ахлоқ меъёрлари, миллий маънавият ва қадриятларимизга мос келмайдиган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган адабиётларни тайёрлаш, босиб чиқариш ва тарқатишнинг олдини олиш чораларини кўриш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда нашриётлар фаолияти бўйича хатлов, мониторинг ишлари олиб бoрилмоқда. Бу жараёнда ноқонуний матбаа ва ноширлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари аниқланиб, уларга нисбатан қонун доирасида тегишли чоралар кўрилмоқда.

Мамлакатимиздаги ахборот-кутубхона муассасалари фондларини тизимли тарзда янги адабиётлар ва зарур материаллар билан таъминлашнинг марказлаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бунда кутубхона коллектори билан ишлаш бўйича марказлаштирилган ахборот тизими такомиллаштириш, нашриётлар билан ҳамкорлик такомиллаштирилади. Бу эса зиё масканлари фондини янги чоп этилаётган китоблар билан мунтазам бойитиб бoриш имконини бeради.

Шу йил ноябрь ойида ўтказиладиган «Infolib Uzbekistan» миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида турли мавзуларда онлайн конференциялар ташкил этиш орқали аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг кутубхона хизматларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш кўзда тутилган.

Агентлик томонидан бугунги улугвор бунёдкорлик ишларини тарих зарваракларига муҳрлаш, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, хусусан, ёш ижодкорларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида "Тараққиёт стратегияси ва замонамиз қаҳрамони" мавзуда бадиий ва ижтимоий-сиёсий асарлар яратиш бўйича ижтимоий бююртмалар лойиҳаси эълон қилинди. Айни кунларда лойиҳага келиб тушаётган бадиий

Qaror va ijro

ва ижтимоий-сиёсий асарлар салмоғи oшиб бoраётди. Улар Агентлик тизимидаги нашриётлар қошида тузилган нуфузли ҳайъатлар томонидан баҳолашиб, нашриётларнинг ижтимоий грантлари асосида чоп этилади ва муаллифларга белгиланган тартибда қалам ҳақи бeрилади. Нашриётлар ва муаллифлар ўртасида тузилган шартномада ижтимоий грантлар асосида яратиладиган китоб учун қалам ҳақининг маълум қисминини олдиндан тўлаш ҳам белгиланган.

Шунингдек, Агентлик томонидан нашриётларнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш, ноширлик маданиятини ва нашриётларнинг ижодий салоҳиятини юксалтириш, соҳада эришилган ютуқларни кенг оммалаштириш, ноширлар, муҳаррирлар ва техник муҳаррирлар, мусаххих, расоом-дизайнерлар, матбаачиларни рағбатлантириш, аҳолининг барча қатлами, хусусан, ёшлар орасида китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида "Йилнинг энг яхши китоби" ва "Ёшларнинг энг севимли китоби" каби кўрик-танловларни ўтказиш режалаштирилган. Мазкур танловларда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча нашриёт ва матбаа корхоналари иштирок этишлари мумкин.

Маънавий эҳтиёжни қондириш борасида китобнинг ўрни беқийёс. У ҳoҳ дарслик, ҳoҳ бадиий асар, ҳoҳ лирик дoston кўринишида бўлсин, бизни илмга, ҳаётга, яхши инсон бўлишга ўргатади. Шу маънода Президентимизнинг "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда ноширлик фаолиятини янги бoсқичга олиб чиқади, адабиётимизнинг ривожини таъминлайди, келажак авлод тарбиясига мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтовчи муҳим дастуриламал бўлади.

Малоҳат ХУСАНОВА,
ЎЗА муҳбири

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Нукусда "Қиз бола — бўлғуси оила бекаси, келажагимиз эгасидир" шиори остида қизлар фестивали бўлиб ўтди.

Қизларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, истеъдодли қизлар сафини кенгайтириш, маҳаллалардаги қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг кийиниш ва муомала маданиятини юксалтириш, онги ва қалбини турли гоёвий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга фаол муносабатини шакллантириш, соғлом турмуш тарзи асосида ҳаёт кечирishi ва оилавий турмушга тайёрлаш мақсадида ташкил этилган фестивалда хунарманд ва тadbirkor қизлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

— Мамлакатимизда биз, ёшларга барча шароит ва қўлайликлар яратилмоқда, турли имконият ва имтиёزلар берилмоқда, — дейди ёш хунарманд Дилноз Одилшоева. — Мен миллий қорақалпоқ либосларини тикишни, момоларимиздан қолган каштачилик ҳунарини давом эттиришни яхши кўраман. "Ташаббус — 2016" танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ғолиби бўлдим. Келгусида ўзим яратаётган андозадаги либослар билан халқроқ танловларда ҳам муваффақиятли иштирок этишни мақсад қилганман.

Тadbирда "Момоларимизга муносиб давомчи бўлайлик", "Қизлар орасида соғлом турмуш тарзини қўллаш ва репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш", "Эрта турмуш қуриш ва унинг салбий оқибатлари", "Ёшларни турли иллатлардан асраш", "Қизлар кўпроқ китоб ўқисин" мавзуларида маърузалар тингланди.

❖ Шеробод туманида "Жамиятда соғлом муҳитни қарор топтиришнинг ижтимоий-психологик масалалари: муаммо ва ечимлар" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги ва Республика "Оила" илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда Шеробод, Қизилқум, Музабоб ва Бойсун туманлари ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар ҳамда хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши раислари, Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлимлари раҳбарлари, туман халқ таълими бўлими маънавият ишлари бўйича шўба мудирлари, таълим муассасалари директорлари ва уларнинг маънавият ишлари бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

Анжуманда "Фарзанд тарбияси ва ота-она масъулияти", "Муомала маданияти — жамоада соғлом муҳит гарови", "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилашда психологик хизматнинг ўрни" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Денов туманида Узун, Сароисеҳ, Денов, Олтинсой ва Шўрчи туманлари, вилоят марказида Термиз шаҳри, Кумқўрғон, Жарқўрғон, Ангор ва Термиз туманлари учун ҳам шундай илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

❖ Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида "Талаба-ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш — давр талаби" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2017 йил 14 мартдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги қарорига ҳам вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг аниқ қоида ва нормалари кўрсатиб ўтилган.

Тadbирда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, турли соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятлар замирида жамиятнинг муҳим бўлини ҳисобланган ёшларнинг улкан ҳиссаси борлиги алоҳида қайд этилди. Баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини кучайтириш, талаба-ёшлар ўртасида турли ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, диний экстремизм ва ақидাপарастликнинг олдини олиш, уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ва ҳуқуқий онгини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Тadbирда талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

❖ Тошкент давлат аграр университетида "Ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим-тарбия тизимини ривожлантиришга қўмаклашиш" мавзусида тadbир ўтказилди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ташкилланган семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Экоҳаракат марказий кенгаши, Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими ходимлари, ўқитувчилар, талабалар иштирок этди.

Экологик таълим ва тарбия бугуннинг долзарб масалаларидан бири. Ҳар бир инсонда ўзи яшаб турган ўй, кўча, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарни яхшилашдан асраш, унинг ободонлаштириш, қўқамзорлаштириш, табиий масканларни асл ҳолида сақлаш ва улардан унумли фойдаланиш, юртимиз табиатини муҳофаза қилиш сингари фазилатларни шакллантириш экологик тарбиянинг ажралмас қисмидир.

Тadbирда ёш авлоднинг экологик ва эстетик маданиятини юксалтириш, табиат ҳақидаги билим ва интеллектуал салохиятини ошириш, она табиат ва унинг неъматларига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилган янги дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш, тизимга келиштириш сингари масалалар муҳокама этилди.

ТаъА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

"Оилага маърифат улашиб"

"Қашқадарё соҳили" болалар истироҳат боғида Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими, вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят ахборот-ресурс маркази ҳамда "Насаб" нашриёти ҳамкорлигида "Оилага маърифат улашиб" мавзусида маънавий-маърифий китоб-хонлик кечаси бўлиб ўтди.

Унга Қарши шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги умумтаълим мактабларида таълим-тарбия олаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари тақдир этилди.

Тadbир доирасида болалар вилоятда, хусусан, Қарши шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик

ишларининг бир намунаси бўлган "Эл-юрт таянчи" монументи, Амир Темури кўприги тарихи ва мазмун-моҳияти билан яқиндан таништирилди. Қашқадарё соҳили болалар истироҳат боғига сайр қилдилар. Атракционлар хизматидан бепул фойдаландилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси Муҳаббат Шарофова билан ижодий учрашув ташкил этилди. Вилоят ахборот-ресурс марказининг "Китоб — оламнинг саккизинчи мўъжизаси" мавзусидаги интеллектуал ўйини барчада катта қизиқиш уйғотди.

Тadbир сўнггида ўқувчиларга китоб совға қилинди.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Китобни нашриётдан сотиб олинг

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги корхоналарга ахборот-коммуникация технологиялари жорий этиши бўйича умумий қиймати 785 миллион сўмлик жами 8 та лойиҳани амалга ошириш вазифаси юклатилган. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигида ушбу лойиҳалар бўйича қатор чора-тadbирлар амалга оширилмоқда. Агентликда бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу хусусда маълумот берилди.

— Соҳани янада такомиллаштириш ҳамда аҳолининг китобга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида агентлик тизимидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари "Ўзбекистон почтаси" билан ҳамкорликда «Почта орқали китоб» акциясини йўлга қўйди, — деди Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ахборот хизмати раҳбари Ж.Жангиров. — Акцияга биноан, наш-

риётларимизда chop этилган китобларнинг электрон каталоги яратилиб, «Ўзбекистон почтаси»га тақдим этилади. Почта муассасалари эса янги китоблар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор этади. Шу тариха сўралган китоблар нашриётдан тўғридан-тўғри харид қилинади. Мўҳими, нархи ҳам китоб дўконларидагига нисбатан анча арзон бўлади.

Анжуманда «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», Чўлпон, Фахур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси мутасадди вакиллари ўз фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, корхона бошқарувининг ягона ахборот тизимини ишлаб чиқиш хусусида атрофлича маълумот берди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Муסיқага ошно болалар

Тошкент туманидаги 33-болалар муסיқа ва санъат мактаби куй сеҳрига ошно қалбларнинг сеvimли масканига айланган.

Феруза Исроилова икки йилдири фортепиано ўқитувчиси Мадина Акмаловадан ижро сирларини кунт билан ўрганмоқда. Ферузанинг Бетховен, Моцарт куйларига қўли келишиб қолди. У муסיқа билан чекланмай, хореография тўғрисида ҳам ўзиди. Илмга чанқоқ қизалоқнинг интилувчанлиги оиладагиларни ҳам хурсанд қилаётди.

— Набирам муסיқа мактабига қизиқиш билан қатнайдим, — дейди Ферузанинг бувиси Вазира Ҳақимова. — Ҳар сафар бир олам таассурот билан уйга қайтадим. Дарс жараёни, янги ўрганган муסיқаси ва устозининг маслаҳатларини жўшиб гапирди. Унинг бўш вақти муסיқа мактабига ўтади. Ке-

лажақда устози каби яхши мутахассис бўлишига ишонаман.

Ёзги таътилда таъмирдан чиқарилган мактаб биноси энди жаҳон стандартларига мос замонавий қўрилишда. Кенг ва ёруғ синфхоналар, шинам ошхона, кутубхона, хореография ва машғулот хоналари, 200 ўринга мўлжалланган концерт зали болалар ихтиёрида. Ўғил-қизлар электрон жиҳозланган солфеджио хонасида ўзининг бор имкониятини синовдан ўтказди.

— Мактабимизда 100 га яқин бола таҳсил олади. Ўқувчиларимиз жуда иқтидорли ва интилувчан, — дейди мактаб директори Шавкат Самадов. — Муסיқа ва санъатга

қаратилаётган эътибор натижаси ўларок, мактабимизда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Фойдаланишга топширилган янги бино энг замонавий муסיқа асбоблари билан таъминланди. Мактабимизда рассомлик ва амалий санъат тўғрисидаги фаолиятини йўлга қўйишни ҳам ният қилганмиз. Иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаб, ҳаётда ўз йўлини топшишга ҳисса қўиш бизнинг асосий вазифамиздир.

Болалар турли кўрик-танловларда қатнашиб, ўз иқтидорини намойён этмоқда. Азиз Тўлқинов, Абдулла Шерметов ва Умид Шерметов каби иқтидорли ўқувчилар шулар жумласидандир. Мохир созанда болалар кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Ирода ТОШМАТОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Фуқаро муҳофазаси йўлида

Миллий матбуот марказида Фавқуллода вазиятлар вазирлиги томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

Тadbирда республикамиз аҳолиси ва ҳудудларини табиий ва техноген хусусиятли фавқуллода вазиятлардан муҳофаза қилиш чора-тadbирлари, соҳага малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш, объектларда «Фуқаро муҳофазаси тузилмалари»ни ташкил этиш масалалари хусусида сўз юритилди.

— Президентимизнинг 2017 йил 1 июндаги «Фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Катта ва алоҳида сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолати ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси, Фанлар академияси Ф.А.Мавлонов номидаги Сейсмология институтининг тезкор хабарлар хизмати ва сейсмик хавфининг сей-

смологик мониторинги ва прогностик мониторинг республика тармоғи Фавқуллода вазиятлар вазирлиги тизимига ўтказилди, — деди Фавқуллода вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари Комилжон Арипов. — Шу муносабат билан табиий ва техноген фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш ҳамда оқибатларини бартараф этиш, гидрометеорология инспекцияси бартараф этиш, гидрометеорологик ва сейсмологик кузатувлар, кичик ҳажмдаги кемалардан бехатар фойдаланиш ва бошқалар вазирликнинг янги вазифалари этиб белгиланди.

Тadbир иштирокчилари мазкур фармонда кўзда тутилган «қутқарувчи-ҳайдовчи», «қутқарувчи-ғаввос», «йўриқчи-дезинфектор», «дозиметрчи», «газда қутқарувчи» каби мутахассисликлар бўйича ўрта махсус ҳамда «Ҳаётини фаолият ҳавфсизлиги» бўйича бакалавр даражасига эга олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш тизими ҳақида ҳам алоҳида тўхталди.

МУХБИРИМИЗ

2017-yil 14-oktabr, № 82 (9043)

Битирувчи бандлигига янгича ёндашув

Аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларга муносиб иш ўринлари яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан. Аҳамиятлиси, ўтган йилларда касб-хунар коллежларида таҳсил олган кичик мутахассисларни саноат тармоқларига жалб қилиш, тadbirkorлик билан шуғулланишини қўллаб-қувватлашга эътибор янада ортгани йилгит-қизларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига хизмат қилмоқда.



2016-2017 ўқув йилида Самарқанд вилоятидаги 160 касб-хунар коллежини 53 минг 263 нафар ўқувчи 112 мутахассислик бўйича битирди. Уларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан қатор манзилли тadbirkorлик амалга оширилди.

— Бу йил битирувчиларнинг касб маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Самарқанд вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бўлим бошлиғи М.Ҳамроев. — Яъни, ҳар бир таълим муассасасига вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлиги, иқтисодиёт тармоқлари мутахассислари бириктирилиб, белгиланган вазибаларнинг ихроси мувофиқлаштириб борилди. Битирувчининг ишлаб чиқариш амалиётини ўз мутахассисликлари бўйича тегишли корхона ва ташкилотларда ўташи ташкил этилди. Амалиётчиларга корхона фаолиятидаги иштироки, ўқишда олган билимининг амалиётда қўллаш даражаси юзасидан корхона раҳбарининг тавсияномаси берилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтидорли ёшларни саралаш, уларнинг амалиёт ўтаган жойида ишда қилишини таъминлаш, маънавий кадрларга эҳтиёж катта бўлган саноат тармоқларига жалб қилиш имкониятини яратди.

Ҳозирги кунга келиб ўтган ўқув йилида касб-хунар коллежларини битирган ёшларнинг 52 минг 577 нафари, яъни 98,7 фоизи билан вилоятимиздаги 21 минг 600 та корхона-ташкilot раҳбарлари ўртасида ишга жойлашганлик тўғрисидаги тўрт томонлама шартнома имзоланишига эришилди. Бандлиги таъминланганларнинг 12 минг 509 нафари ўз мутахассислиги бўйича ишлаган бўлса, 1 минг 275 нафар ўқувчи олий таълим муассасасига ўқишга кирди.

— Шу йил Самарқанд енгил саноат ва иқтисодиёт коллежининг бухгалтерия ва аудит йўналишини битирди, — дейди Ш.Шарипова. — Коллежимизда ўз йил давомида олган назарий билимларни амалиётда мустаҳкамлаш касбим масъулиятини англашишга имкон яратди. Сартепа маскани-

даги "Умид" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида ишлаб чиқариш амалиётини ўтадим. Бу даврда тўловларни қабул қилиш ва йўналтириш, энг асосийси, аҳоли билан ишлаш кўникмасини ҳосил қилдим. Касбимга бўлган меҳрим янада ошди. Ширкат раисининг тавсияномаси асосида "8 март" масъулияти чекланган жамиятининг бухгалтерия бўлимига ишга кирдим.

Тadbirkorлик билан шуғулланиш истагини билдирган битирувчиларга истиқболли бизнес режа тузиш ҳамда имтиёзли кредит олишлари учун зарурий кўмак берилмоқда. Жумладан, 2016-2017 ўқув йилида касб-хунар коллежларини битирган ёшларнинг 4 минг 600 нафари тadbirkorлик йўлини танлаган бўлса, бугунга қадар уларнинг 834 нафарига тижорат банкларининг 6 миллиард 900 миллион сўмдан ортик миқдордаги имтиёзли кредити ажратилди. Бу йўналишдаги ишлар тизимли равишда давом этмоқда.

— Оиламизда барча тadbirkorлик билан шуғулланади, — дейди Ш.Юнусова. — Шу боис, мен ҳам болалигимдан тadbirkor бўлишни, ўз бизнес гоямни ишлаб чиқиб, мустақил иш бошлашни орзу қилардим. Айни мақсадда Самарқанд банк коллежиде ўқиб, устозларимдан бухгалтерия ҳисоби ҳамда бизнес юриши борасида сабоқ олдим, миллий иқтисодиётимизни ўргандим. Тўплаган билимларим истиқболли бизнес режа тузиш ва уни ҳаётга татбиқ этишда кўмак берди. Ўқишни битиришим билан яратилган имконият ва имтиёزلардан самарали фойдаланиб, 40 миллион сўм имтиёзли кредит олдим ҳамда кўмир брикетларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Кўмир савдо фойз" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этдим. Натижада уч нафар тенгдошимни ҳам иш билан таъминладим. Келажақда корхонам фаолиятини янада кенгайтириш ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишни мақсад қилганман.

Ҳаким Жўраев,
"Ma'rifat" мухбири



Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Пухта ўзлаштирадиган ўқувчи нафақат ўқув амалиётида, балки коллежини тамомлаб ишга кирганида ҳам жараёнга тез мослашади. Меҳнат жамоаси назарига тушиб, одамлар ишончини қозонади. Навоий архитектура ва қурилиш касб-хунар коллежи битирувчиси Абдулла Эгамбердиев ҳам устози Феруз Султоновдан электр пайвандчиси учун зарур жиҳатларни эринмай ўргангани боис иш бошлашда қийиналмади. Айни пайтда у "Тибростанкосервис" масъулияти чекланган жамиятида ўз ўрнига эгалигидан мамнун.

Иш ўрни тайёр

Бу йил Навоий вилоятидаги 47 касб-хунар коллежини 12225 нафар ўқувчи тамомлаб, мустақил ҳаётга йўлланма олди. Иш билан таъминлаш ҳамда тadbirkorликка жалб этиш мақсадида битирувчиларнинг 12117 нафари билан корхона, коллеж, ўқувчи, туман (шаҳар) ҳокими ўртасида ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва кейинчалик ишга жойлаштириш тўғрисида тўрт томонлама шартнома имзоланди. Шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш бўйича янгича ёндашув механизми жорий қилиниб, унга кўра 2016-2017 ўқув йилида касб-хунар коллежларини тугатганларнинг ҳар 6-7 нафарига турли ташкилотларда фаолият юритаётган 1,5 мингдан ортик раҳбар ва ходим масъул этиб тайинланди. Битирувчиларни тadbirkorликка йўналтириш мақсадида касб-хунар коллежларига тижорат банклари орқали кредит маблағлари ажратили, бизнес лойиҳаларни амалга ошириш, тadbirkor фаолиятининг ҳуқуқий асосларига доир мулоқот ва семинарлар ташкил этилди.

— Корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ даврида ўқувчиларни моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 805 нафар ўқувчига амалиётни ўташ жараёнида ўртача 250 — 300 минг сўмдан иш ҳақи тўланди, — дейди Навоий вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўлими бошлиғи Олимжон Бобомуродов. — Айни пайтда 1637 нафар битирувчи ўз иш фаолиятини бошлади. Жумладан, Навоий информатика ва электрон саноати касб-хунар коллежини тамомлаган 17 нафар йилгит-қиз "Smart kommunikatsion" кўшма корхонасида, Навоий архитектура ва қурилиш касб-хунар коллежи битирувчиларидан 10 нафари "Бахт-тексти" масъулияти чекланган жамиятида, 6 нафари Навоий "Электр кимё заводи" кўшма корхонасида меҳнат қилаётгани фикримиз далилидир. Тadbirkorликка қизикқан 1216 нафар йилгит-қизга тижорат банкларидан 6 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратилди.

Битирувчилар бандлигини таъминлаш борасида Навоий архитектура ва қурилиш касб-хунар коллежиде ибратли ишлар амалга ошириляпти. Бу йил касб-хунар таълими муассасасини 11 йўналиш бўйича тамомлаган 618 нафар ёшнинг барчаси билан тўрт томонлама шартнома тузилган.

— Тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган 21 нафар битирувчимиз учун тижорат банклари 120 миллион сўм маблағ ажратди, — дейди коллеж директори Улуғбек Сатторов. — Қолган бити-

рувчиларимиз ўзлари эгаллаган касб бўйича "Қизилқумцемент", "Электромимё", "Навоийазот" акциядорлик жамиятлари, "Жанубсаноат", "Континент-Н ёғ-мой", "Гидростанкосервис", "Қизилқумполипропилен", "Навоий иккиламчи қораметалл", "Автотеххизмат" масъулияти чекланган жамиятлари, "Фарбгазтаъминот" унитар корхонаси Навоий шаҳар филиали сингари ташкилотларда ишляпти. Бир сўз билан айтганда, ёшлар бандлигини таъминлаш вилоят ва шаҳар ҳокимлигининг доимий эътиборида.

Ёшларнинг муҳим иш ўрнига эга бўлиб, жамиятда ўз ўрнини топаётгани, тadbirkorликка йўналтирилаётгани кишини қувонтиради. Бироқ вилоятда ёшларнинг интилиш ва иқтидорини намоён этишига ҳалал бераётган айрим муаммолар ҳам борки, улардан кўз юмиш мушкул.

— Гарчанд меъёрий ҳужжатларда тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва етиштириш, паррандачилик ва асарчиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, шунингдек, уруғ ва кўчат етиштириш учун микрокредит бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилган бўлса-да, айнан тилга олинган йўналишларда тadbirkorлик билан шуғулланишни ният қилиб тижорат банкларининг туман филиалларига ҳужжат топширган бир гуруҳ ёшларимиз маблағ олиш масаласида муаммоларга дуч келишляпти, — дейди Нурота қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Икром Дўстматов.

— Нурота азалдан бетакрор каштачилик санъати билан машғур. Мен момомерос шу хунарни эъозлаб, унинг қадимий гўзал намуналарини бувиларимиздан ўрганиб, ўз навбатида эшиларга ўргатяпман, — дейди тadbirkor Нозигул Мирзаева. — Қизим Насиба Файзиева бу йил касб-хунар коллежини тугатди. У "Менин бизнес гоям" кўриктанловининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этиб, имтиёзли кредит олиш имкониятини қўлга киритди. Бироқ айни пайтда қизимнинг кредит олиши қийин кечяпти.

Сўхбатдошларимиз бу муаммолар тез орада ҳал этилишига умид боғлашмоқда. Зеро, яхши ниятда бошланган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш, хусусан, тadbirkorлик фаолиятини ривожлантириш — бугунги куннинг муҳим талабларидандир.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Ёш ўқитувчининг катта ютуқлари

2016-2017 йилларда бошланғич таълим йўналиши бўйича ўтказилган "Энг яхши дарс ишланмаси" кўрик-танловидан 1-ўрин, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси-2016" кўрик-танловининг республика босқичида 2-ўрин соҳиби, "4-синфлар учун математикадан масалалар тўплами", "Математика фанидан методик тавсия", "Бошланғич таълимга оид слайдлар тўплами" ва "Табиатшунослик фанидан мавзулаштирилган расмлар" каби рисоалар муаллифи... Муваффақиятлар рўйхатини ўқиб, бу инсон тажрибали, кекса педагог бўлса керак деб ўйлагандик. Аслида эса Навоий шаҳридаги 11-ИДУМнинг бошланғич синф ўқитувчиси Аскаржон Азимов эндигина 25 ёшини қаршилаган экан. Фаолияти билан яқиндан танишиб, унинг ишлануванлиги, моҳир ва болажон педагоглигига гувоҳ бўлдик.

Шундай педагоглар борки, ўқитувчилик уларнинг қониди бўлади. Муаллимлар оиласида туғилиб-ўсган, ота-онасининг дарсга турли кўргазмали куруллар ясаганига қачондир ғурух бўлган Аскаржонни ҳам ана шундайлар қаторига қўшиш мумкин. Отаси Қажор Азимов физика, онаси Мусаллам Каримова бошланғич синф ўқитувчиси бўлган. Қолаверса, у оиладаги олти фарзанднинг кенжаси бўлиб, тўрт акиси ва опаси педагог эди. Шу боис улғайгач, касб танлашда иккиланмади. Навоий давлат педагогика институтига талабалikka қабул қилинган, онажони Мусаллам опа беҳад севинди. Ахир энди оилада инглиз тили, физика, жисмоний тарбия, мусика ўқитувчиси ва мактаб психолога қаторида кенжотга фарзанди — бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб, унинг йўлини давом эттиради.

Аскаржоннинг педагогик маҳорати 2011 йили 11-ИДУМга ишга келгач чарчлана бошлади.

— Илк бор дарсга кирганим кечагидек эсимда, — дея хотирлайди у. — Дарсдан аввал изландим. Бир олам ҳажжон оғушидаман. Энг чиройли дарс ўтаман, деб кўнглимга тугдим. Буни қарангки, назарий хижатдан пухта тайёргарлик кўрган бўлсам-да, доскадан унумли фойдалана олмадим. Дарс ҳам тез тугаб қолди. Мавзу бўйича барча маълумотларни беришга улгуролмадим. Кейинчалик устозларимнинг маслаҳатини тинглаб, дарсликдан ҳам, доскадан ҳам, кўргазмали куруллардан ҳам самарали фойдаланиш кераклигини, бирини ошириб, иккинчиси қилиб кетмаслиги лозимлигини англадим. Боланинг оғзаки нутқини ҳам баравар

ошириб бориш зарурлигини тушундим. Дарс вақтини тўғри тақсимлаб, барига улгуришни ўргандим. Ҳар бир дарсдан бола янглик олишини истагман. Шу боис, мавзуга мос кўргазмали куруллар яратдим. Бошланғич синф ўқувчисига дарс ўтишда кўргазмалилик, ўқувчининг тасаввурини уйғотиш ва жонлантириш жуда муҳим.

У дарс аввалида болаларнинг кайфиятини кўтариб олади. Фикрини бемалол баён этишига шaroит яратди. Шунинг учун бўлса керак, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси 97-98 фоизни ташкил қилмоқда. Ўқувчиларидан Диёра Сафарова 2012 йили, Муниса Абдуллаева 2014 йили, Юлдузхон Ғуломова 2015 йили, Нилуфар Абдураимова эса 2016 йили «Кичик фан олимпиадаси»нинг вилоят босқичида математика фанидан биринчи ўринни эгаллади.

Ёш ўқитувчи "Буюклар ватани" деб номланган кўргазмали курул яратган. Унда ватанимиз харитаси тасвирланган, дарсда ўқувчилар вилоят ва шаҳарларга гойибона саёхатга чиқади. Кўргазмали курулнинг пастки қисмида тугмачалар бўлиб, ўқитувчи болаларни қайси шаҳарга "саёхатга олиб чиқса", уша шаҳар тасвирланган жойда рангли чироқ ёниб туради. Бир гал ўқувчилар Хоразмга саёхат қилиб, маънавият дақиқасида Ал-Хоразмий ҳаёти ҳақида қисқача маълумотга эга бўлса, бошқа сафар Са-

марқанд саёхатида Мирзо Улғубек ва у яратган астрономия мактаби ҳақида ўрганишади.

— Математика фақат ҳисоб-китоблардан иборат фан эмас, — дейди Аскаржон Азимов. — Уни бошқа фанлар билан интеграциялаштириш керак. Шунда болажонларнинг қизиқиши янада ошади. Дарсларимни табиатшунослик, тарих ва адабиётга боғлайман. Шерий масалаларга тез-тез мурожаат қиламан. Интернет тармоғидан табиат ва ҳайвонот оламига оид маълумотлар олиб, улар асосида қизиқарли масалалар тайёрлайман. Шунда бола зўриқмасдан математикани яхши ўзлаштириб олади.

Рамзий маънода ясалган "Олтин тож" — барча ўқувчиларнинг интилишига аланга бергувчи маёқдек, гўё. Ўқитувчи дарс охирида уни энг яхши иштирокчининг бошига тақади. Агар синфдаги сушт ўзлаштираётган ўқувчи бугун кечагидан сезиларли даражада яхши жавоб берса, у ҳам тож соҳиби бўлади. Моҳир педагог синфда ва синфлараро соғлом рақобатни юзага келтириш мақсадида "Ўйла, изла, топ!", "Энг билимдон ўқувчи" каби танловларни ўтказиб келади.

Ҳар бир дарсга тайёргарлик жараёни ёш педагогга янги гоёлар беради. Улардан бири дарс жараёнида ташкил этиладиган видеоавлоллардир. "Энг яхши дарс ишланмаси" танловида голибликни

қўлга киритганда ҳам у шундай видеоавлоллардан фойдаланганди.

Масалан, "Геометрик жисмлар" мавзусидаги дарс. Дарсни мустаҳкамлаш ҳиссаида экранда Навоий широзлик ва лойиҳалаш институтининг директори Зиёдулла Худойбердиев пайдо бўлади. Меҳмоннинг "Ассалому алайкум, менинг ҳажжи дўстларим!" дея сўз бошлаши барчанинг диққатини тортиб, дарсни янада жонлантиради. "Биламан, сизлар жуда зийрак ва ақли ўқувчисиз. Эътибор қилган бўлсангиз, шахримизда кўнгина бино ва иншоотлар қурилмоқда. Бунда бугун сиз ўрганган геометрик жисмлардан фойдаланилади. Агар геометрик жисмларни яхши билиб олсангиз, келгусида жуда асқотади. Энди айтинг-чи, экрандаги мана бу геометрик жисмлар қандай аталади?"

Ўқувчилар саволга жавоб бериш учун қўл кўтаради. Навбати билан уларнинг жавоби тинланган, меҳмон "Барақалла!" дея олқишлар қўяди. Мабодо жавоб нотўғри бўлса, тўғри жавобни ўзи айтади.

Аскаржоннинг иши вилоят ва республика миқёсида омалаштирилган. Бундан ташқари, www.matematik.uz шахсий веб сайти ҳам бор.

Аскаржон Азимов фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, унинг ғайрат-шижоатига ҳавасимиз келди. Педагоглик унга қон орқали ўтган касб эканига амин бўлдик.

Зебо НАМОЗОВА

Ота-оналар ғуруҳларда ишлайди

Фарзандларимизнинг маънан етук, баркамол инсонлар бўлиб ўлаётганида оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Мактабларда ўтказиладиган ота-оналар йиғилиши бу ҳамкорликни мустаҳкамловчи асосий восита бўлиб, уни тўғри ташкил этиш ўқитувчи фаолиятини энгиллаштиради.

Мажлисида ота-оналарнинг тўлиқ иштирокчини таъминлаш учун йиғилишни расмиётчилик учун ўтказмай, ота-оналар билан самимий мулоқот муҳитини яратиш керак. Интерфаол ўйинлардан фойдаланиш айти шу мақсадга хизмат қилади. Масалан "Ғуруҳларда ишлар" усули ёрдамида юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Қоидага кўра, иштирокчилар ғуруҳларга бўлинади. Биринчи ғуруҳга тарбияси оғир, ўзлаштириш севти, иккинчи ғуруҳга тенгдошларига ўрнак бўлаётган ўқувчиларнинг ота-онаси жамланади. Табиийки, барчамиз ўғил-қизимизнинг хулқ-атворини жамоада таҳлил қилишга тортинамиз. Шуни ҳисобга олиб, улар фарзанд тарбиясида йўл қўётган камчиликларини қозғога туширилади. Ғуруҳ вакиллари хулосани муҳокама (тақдимот)га олиб чиқади. Муаммоларнинг расм тарзида ифодалаш ҳам мумкин. Бола характеридидаги кўрсалиш, ўқишга қизиқишининг суъайлиги, дангасалик, уяли алоқа воситаси ёки компьютерга боғланиб бўлган, ёлгон гапиршиш каби камчиликлар қаламга олинади.

Ғуруҳлар билан ишлангани яна бир усули "Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим" деб номланади. Йиғилишни аниқ мавзуда ташкил қилиб, "Фарзандингиз "ўтиш даври"да дуч келадиган муаммоларга тайёрмисиз?"

ёки "Қандай қилиб фарзандимнинг тўғри касб танлашига ёрдам бера оламан?" сингари анкета саволларига берилган жавоблар орқали ота-оналар фикрини билиш мумкин. Ота-оналар "Биламан", "Билишни хоҳлайман", "Билиб олдим" ғуруҳларига ажратилади. Тажрибали кишилар саволларга жавоб беришса, ёшлар бу жавобдан ўзлари учун зарур маълумотни олишади. Жумладан, "Биламан" ғуруҳида ёши улғу, фарзандлари тадбирларда фаол иштирок этган, "Билишни хоҳлайман" ғуруҳида эса айрим ҳолатларда бола тарбиясида муаммога учраган, "Билиб олдим" ғуруҳида эса тарбия борасида бироз тажрибасиз ота-оналар фикрлари тингланади.

Бундай тажрибалар ота-оналарга танқид ва мақтовни тўғри қабул қилишни ўргатади. Мен ҳар бир мажлисда белгиланган мавзу юзасидан "Фарзандингизни тўғри муомалага ўргатин!", "Фарзандингиз китоб ўқисин!", "Фарзандингиз қайси тўғаракка боради?", "Қаерда қандай кийинсак, тўғри бўлади?" каби саволлар билан мурожаат қиламан. Ҳар бир мулоқот якунида ота-оналар хулосасини тинглаб, тақлифини ўрганаман.

Элмира КҮРОНБоеВА,
Чилонзор туманидаги
114-мактаб ўқитувчиси

Ақлий ривожланишида нуқсон бор болага умумтаълим фанлари билан бир қаторда мустақил ҳаётда асқотадиган хунарни ўратишимиз керак. Сартарошлик касбини ақлий ва жисмоний имконияти чекланган болалар осон ўзлаштиришади.

Тарбияланувчи — сартарош

2014-2015 ўқув йилидан ўқувчиларга давлат таълим талаблари ва ўқув дастури асосида сартарошлик касбидан сабоқ бера бошладик. Машғулот ўқувчи ёши, жисмоний ва руҳий ривожланиш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилди. Кўп ўтмай сартарошликка қизиққан ўқувчилар сони кескин ошди.

2017-2018 ўқув йилида 7-, 8-, 9-синф ўқувчилари ҳафтасига 10, ўқув йили мобайнида 340 соат сартарошликнинг назарий ва амалий хижатларини ўзлаштиради. Дарс жараёнида касбнинг тарихи, аҳамияти, бошқа касблар билан боғлиқлиги, санитария-гигиена талаблари бўйича тушунча ва кўрсатма бериб борилади. Энг асосийси, улар соч кесиб, калталатиш, турмаклаш, бўяш ва парваришлаш тартиб-қоидаларини пухта ўрганишяпти. Машғулотлар асосан амалий кўринишда бўлиб, ўқувчи шу онинг ўзида хунарни ўрганиш имконини беради. Куйидаги усуллар бизга қўтилган натижани бермоқда.

Кириш: дастлаб сартарошлик ҳақида маълумот берилади, савол-жавоб ўтказилади.

Ғуруҳ тузиш: ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилияти, ақлий-жисмоний имконияти инobatга олинган ҳолда ғуруҳлар ташкил этилиб, вазифа тақсимланади.

Тартиб-қоидалар: сартарош либоси, сочик, салфетка, турли асбоб-ускуна (тарок, қайчи, устара, фен) ҳақида батафсил маълумот берилади.
* Орасталikka риюя қилиш: болага

соч турлари ва парваришлаш усуллари, шампунь танлаш ва ювиш қоидалари атрофлиқа тушутирилади.

Сочни кесиб, калталатиш ва турмаклаш: бу машғулотнинг асосий қисми ҳисобланади. Кўриб турганингиздек, машғулотлар асосан, амалий кўринишда бўлиб, тарбияланувчилар бир-бирининг сочини турмаклашади.

Сартарошлик бўйича етарли билим ва кўникмага эга ўқувчилар мустақил ижодий иш топшириб, қобилиятини намойиш этади. Миҳозлар билан муомала қилиш, бошни уқалаш, юз терисини парваришлаш, маникюр, бўяш ва пардозлаш жараёнлари бир вақтинч ўзида секин-аста ўзлаштириб борилади.

Сартарошликдан ташқари тикувчилик, чилангарлик, тўқувчилик, дурадгорлик, пазандалик, боғдорчилик йўналишлари ҳам ўқувчиларни имкон қадар соғломлаштириш, таълим жараёнида жалб этиш, меҳнат қилиш кўникмасини шакллантиришда муҳим роль ўйнаётганини сезяпмиз. Тарбияланувчиларни ижтимоий-маиший ҳаётга тайёрлаш, логопедия (нутқ ўстириш), ритмика, даволловчи жисмоний тарбия билан шугуллантириш учун мутахассисларимиз етарли. Ўқувчиларда меҳнат қилиш кўникмасини шакллантириш бевосита соғломлаштириш тадбирлари билан ҳам боғлиқдир.

Зулфия АБДУЖАБОРОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги
37-ёрдамчи мактаб ўқитувчиси

Компетенция нима?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида тасдиқланган узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича янги давлат таълим стандартларига “компетенция” атамаси киритилди. Бундан асосий маънода таълим олувчининг “компетентлиги даражасига”ни Умумевропа халқаро стандарти даражасига етказишдан иборат. Чет тилларни ўқитишга янги ёндашувнинг самарадорлиги ҳисобга олиниб, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-қарорига мувофиқ, барча умумтаълим фанларидан компетенциявий ёндашувга асосланган янги ДТС тасдиқланди. 2017-2018 ўқув йилидан мазкур ДТС босқичма-босқич амалиётга татбиқ этила бошлайди.

Сир эмас, компетенциявий ёндашувга асосланган ўқув дастурлари лойиҳаси сўнгги уч йил давомида қатор таълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтказилган бўлса-да, ҳали-ҳамон айрим ўқитувчи ва мутахассислар унинг аслида нима экани, таълимда қандай туб бурилишлар ясашни чуқур англаб ета олгани йўқ. Ота-оналар, ўқувчилар ва жамоатчиликда ҳам “Компетенция нима?” деган ўринли савол туғилмоқда.

Компетенция кенг қамровли тушуنча бўлиб, инглизча “competence”, яъни “маҳорат”, “қобилият” (Инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча лугат. -Т. “Ўқитувчи”, 2007) деган маъноларни англатади. Лекин бу лугатда компетенциянинг асосий ҳолати, яъни шахснинг лаёқат даражаси тушуриб қолдирилган. **Компетенция** — шахснинг муайян лаёқат, маҳорат ва қобилият даражасига эгаллиги. Уни шахс ҳаёт фаолиятининг турли жабҳалари, жумладан, таълимга нисбатан ҳам ишлатиш мумкин.

Компетенция тушуначаси таълимга илк бор ЮНЕСКО қошида Э.Фор бошчилигида тузилган комиссиянинг 1972 йилдаги “**Ўқимок**” деган маърузаси орқали кириб келган. Комиссия ўзининг “**Ҳаёт учун таълим**” концепциясида узлуксиз таълим жараёнида кишининг компетентлигини тўрт даражада баҳолашни таклиф қилган:

1. Билимлардан фойдаланмоқ, яъни ўқувчини кенг умумий билимлар орқали тор даражада чуқурлаштирилган ҳолда меҳнат қилишга тайёрлаш.

2. Ишни бажармоқ, яъни ўқувчини стандарт шахсий кўникмалардан ташқари жамоа билан ишлашга тайёрлаш.

3. Биргалликда яшамок, яъни ўқувчини ўзгаларни тушуниш ва моҳароларни ҳал қилишга тайёрлаш.

4. Ривожланмоқ, яъни ўқувчининг шахсий хислат ва имкониятларини ривожлантириш орқали “инсон ресурси”ни кўпайтиришга тайёрлаш.

Бундай компетентлик даражасини эгаллаш кишининг бутун ҳаёт фаолияти давомида амалга оширилади ва унга шахсий, касбий муаммолар туғилганда таълим олиш имкониятини берадиган ўрганиш ёки ўргатиш ҳолати. Кейинги йилларда педагогикада компетентликка қаратилган диссертация ва мақолалар сони 60—70 баробар ортган.

Лекин ҳанузгача унинг асл маъносига оид жуда кўп фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Одатда зарур компетенцияларга эга бўлган шахс деганда:

— фанда ҳар бир ҳодиса, жараён, ҳолат ёки воқеани илмий-назарий жиҳатдан



Mutaxassis minbari

асослаб бера оладиган шахс;

— таълимда расмий таълим меъёрий ҳужжатларида белгиланган талабларга мос билим, кўникма ва малакага эга бўлган ва уларни ўз ҳаёт, меҳнат фаолиятида қўллайдиган киши;

— амалиётда ҳаёт, меҳнат тажрибасига эга бўлган, ўз соҳасида кишиларга устозлик ёки мураббийлик қила оладиган шахс тушунилади.

Лекин миллий таълим тизимида бу атам турлича талқин қилинмоқда. Масалан, **биринчиси** — назарий жиҳатдан олган билимларини амалда қўллаш олиш, деб тушунча бериш. Узингиз ўйлаб кўринг, мактабда физика фанини тўрт йил ўқиган битирувчиларнинг аксарияти ўз хонадонидagi электр мосламаларини (патрон, розетка, включател кабиларни) ўрнатишни ёки таъмирлашни ундайлай олмайди, деб ваҳ келтирилади. Авваламбор, электр мосламаларни ўрнатиш ёки таъмирлаш учун ўқувчи физикани ўзлаштирган бўлиши шарт эмас. Бу кўникмани 5-синфда технология фанининг “Электротехника ишлари” бўлимини ўзлаштиришда ўрганиб олиши керак эди.

Яна бир мисол, гўёки ўқувчилар ботаника фанини яхши ва аъло баҳоларга ўзлаштирадилару, лекин амалда ўсимликларни парвариш қилишни билмайдилар. Аслида бу ҳам технология дарсларида ўзлаштирилиши керак бўлган билим. Ўсимликларни парвариш қилиш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштириш 5—7-синфларда технология дарсларида кенгайтирилган ва амалий тарзда ўтилади. Демак, компетенция бу — эгалланган назарий билимларни амалда қўллаш олиш, дегани эмас.

Иккинчиси — компетенцияни билим, кўникма ва малакалардан ажратиб кўрсатиш. Гўёки шу кунга қадар билим, кўникма ва малакаларга эътибор қаратиб келинган. Энди компетенцияга злоҳида эътибор бериб, ўқувчиларда таянч ва хусусий компетенция-

ларни шакллантириш керак. Бу ҳам компетенцияни нотўғри талқин қилишдир.

Аслида ўқувчи билим, кўникма ва малака олмасдан муайян бир компетентликка эга бўла олмайди! Шу кунгача миллий таълим тизимидаги барча ўқув курслари ДТС ва ўқув дастурларида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйилдиган талаблар ва уларни баҳолаш меъзонлари мавжуд. Ушбу билим, кўникма ва малакалар кенг қамровли бўлиб, фақат энг иқтидорли ўқувчигина уларни 100 фоиз ўзлаштириши мумкин.

Ҳўш, компетенцияни қандай талқин қилмоқ керак? Ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малакаларнинг ўзи компетенциянинг тизимлашган элементларидир. Ўқувчи ўқиш жараёнида эгаллайдиган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятида қўллаш олишни англаган ҳолда таълим олгандагина уларда компетенциялар шаклланади. Бунинг учун ўқувчи ўз вақтида, яъни ҳар бир дарсда, ҳар бир чоракда, ҳар бир ўқув йили давомида муайян билим, кўникма ва малакаларни босқичма-босқич эгаллаб бориши талаб этилади.

Мамлакатимизда турли соҳаларда қанчадан-қанча ўз касбининг усталари — компетентли ёки маҳоратли инсонлар фаолият кўрсатишмоқда. Олий ўқув юртиларида қўллаб иқтидорли ёшлар тахсил олмақда, касб-ҳунар эгаллаётган ёшлар ҳам талайгина. Уларнинг ҳаммаси нима учун таълим олаётганликларини англаган ҳолда ўқиш-ўрганиш жараёнида билим, кўникма ва малакаларни ўз вақтида босқичма-босқич пухта эгаллаб бормоқда. Шу кунгача дунё тажрибасида йиғилган барча тажрибаларни умумлаштирган тарзда таълим — кишини ҳаётга, жумладан, меҳнатга тайёрлаш учун унга тизимлашган, муддатли, расмий, тегишли билим, кўникма, малака — компетенция бериш воситаси, дейиш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187—қарорига мувофиқ:

Билим — ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бериш;

Кўникма — ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллаш олиш;

Малака — ўрганилган билим ва шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллаш олиш ва янги билимлар ҳосил қилиш;

Компетенция — мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллаш олиш қобилияти, дейилган.

Шу кунгача биз таълимга

берилаётган таърифларда биринчидан, “киши”, “шахс”, “ўқувчи”, “одам”, “инсон” деган сўзларни қўллаб келдик. Лекин уларнинг ҳар бирининг ишлатадиган жойи ёки ўрни бор. Бирини иккинчисига тенглаштириб ёки алмаштириб бўлмайди. Чунки “киши” сўзи ижтимоий категория, “одам” — физиологик, “шахс” — юридик, “ўқувчи”, “талаба”, “бакалавр”, “магистр”, “тингловчи” — педагогик, “инсон” — социологик. Агар биз таълимга ижтимоий категория, яъни фақатгина кишилик жамиятга хос бўлган категория сифатида қарайдиган бўлсак унда “киши” сўзини қўллаш мантиқан тўғридир. Лекин таълимни кишининг компетентлик даражасига қараб йўналтириш уни ижтимоий категориядан юридик категорияга йўналтиришга олиб келади. Чунки кишига билим, кўникма ва малакаларни бериш индивидуаллашди.

Компетенция — шахснинг муайян лаёқат, маҳорат ва қобилият даражасига эгаллиги, деб таърифлайдиган бўлсак, унда ҳеч бир таълим гуруҳида ягона даражадаги лаёқат, қобилият ва маҳорат бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу ўринда эндиликда таълимга берилган таърифда киши ўрнига шахс сўзини ишлатиш мақсадга мувофиқ. “Шахс” сўзи кишилик жамияти учун қўлланиладиган, лекин унинг муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган тушунча. Ўқувчилар ҳам **жисмоний шахс** сифатида таълим жараёнида муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. **Таълимнинг функционал вазифаси** эса жисмоний (юридик эмас) шахснинг муайян лаёқатини шакллантириш, қобилиятини аниқлаб, уни барча таълим босқичларида намоён қилиши, умумий ва касбий маҳоратни эгаллашга хизмат қилади.

Иккинчидан, “компетенция” жисмоний шахсга қўйилдиган ва унинг муайян даражасини белгилайдиган атам. Шундай экан, таълим сўзига бериладиган таърифда “компетенция даражаси” сўзлар бирикмасини ишлатиш ёки қўллаш мақсадга мувофиқ. Ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Япония, ХРР, Германия каби) ходимни коллеж, бакалавр, магистр, фан доктор дипломи ёки унинг касбий классификатордаги шифрига қараб эмас, балки компетентлик даражасига қараб ишга олишади. Яъни, ҳар бир иш берувчи идора, корхона, ташкилот ёки муассасада ишга олинувчининг компетентлик даражасини аниқлаш учун у эгаллаши мумкин бўлган лавозимга қараб дифференциаллашган тарзда электрон тестлар, оғзаки мулоқот ва тақдирот-баҳолаш меъзонлари ишлаб

чиқилган. Баҳолаш меъзонлари иш берувчининг касбий йўналишига қараб турлича бўлади ва уни қўллаш механизми ўзига хос кўринишга эга. Шунинг учун ҳар бир таълим муассасасининг ДТС, ўқув режа ва дастурлари иш берувчи билан келишилган ва уларнинг экспертизасидан ўтган тарзда расмийлаштирилади.

Оқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, таълим жараёнида ўқувчиларда “**компетенцияни шакллантириш**” эмас, балки “**компетенциявий ёндашувга асосланган таълим**” дейиш ҳар жиҳатдан ўринлидир. **Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим** — кишига тизимлашган, муддатли, расмий, тегишли билим, кўникма, малакаларни бериш орқали уни муайян лаёқат, қобилият, маҳорат даражасига эга қилиш, ҳаётга, жумладан, меҳнатга (касбга) тайёрлаш воситаси.

Жисмоний шахснинг компетентлиги лаёқат, қобилият ва маҳорат даражаларидан иборатдир.

Лаёқат — “мувофиқлик”, “яроқликлик”, “яхши фазилат” деган маънони билдиради. У кишининг, таълимда жисмоний шахснинг бирор ишга яроқли эканини билдиради.

Қобилият — “май”, “қизиқчи”, “мобиллик”, “содиқлик”, “тарафдорлик”, “қодирлик”, “лаёқат” деган маъноларни англатади. Кимгадир техник, илмий, кимгадир муслиқ ва жисмоний қобилият ато этилади. Бу даража авлоддан авлодга ўтувчи, реал моддий ва маънавий шароитдан келиб чиқувчи таълим ва тарбиянинг йўлга қўйилганлиги билан ҳам юзага келади.

Маҳорат — “моҳирлик”, “усталик”, “эпчиллик” деган маънони билдиради. У кишининг, таълимда жисмоний шахснинг бирор ишининг устаси эканини кўрсатади. Масалан, жисмоний шахс ўз касбининг устаси ёки малакали кадр эканини билдиради. Касбий билимининг борлиги, кўникманинг етарлиги, креативлик ва масалага ижодий ёндаша олиш каби маҳорат даражалари мавжуд.

Компетентлик даражаси — жисмоний шахснинг лаёқат, қобилият ва маҳорат имконияти. У турлича даражада баҳолашни мумкин. Одатда мутахассислар тўрт даражани ажратадилар — юқори, ўрта, паст ёки йўқ. Ушбу имкониятларни турли усуллар (тест олиш, сўхбатлашиш, ишлатиб кўриш, мулоқот қилиш, сынаб кўриш...) орқали иш берувчи аниқлаб олади ҳамда шу асосида унга тегишли лавозим тавсия этади ёки ишга олмайди. Компетентлик даражасини аниқлаш усуллари жуда хилма-хил ва у ҳар бир иқтисодий тармоқнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Жисмоний шахсларни ишга олишда компетентлик даражасининг муҳимлиги

| Жисмоний шахс компетенцияси турлари | Жисмоний шахс компетентлигининг баҳолашни | | | |
|-------------------------------------|---|--------|-----------------|------------|
| | Таълимда | Сайтда | Ишлаб чиқаришда | Бошқарувда |
| Лаёқати | 1 | 3 | 3 | 2 |
| Қобилияти | 3 | 1 | 1 | 1 |
| Маҳорати | 2 | 2 | 1 | 3 |

Аскар НИҒМАТОВ,
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти кафедра мудири, профессор

Статистик маълумотлар ва фаразлар

Бирлашган Миллатлар Ташкилати ўтган асрда расман 2976 тилни қайд этган бўлса-да, ҳар хил ҳисоб-китобларга кўра, дунёда 7 мингга яқин тил борлиги эътироф этилади. 2005 йили тузилган ЮНЕСКО рўйхати 6 912 тилни қамраб олади. Тилларнинг 32,8 фоизи Осиё ва 30,3 фоизи Африка қитъасига тўғри келади.

Уларнинг айримларида бир миллиард, бир неча ўн ёки юз миллионлаб киши гаплашади, баъзисиди бир неча минг, юз, ҳатто, санокли киши мулоқот қилади. Масалан, Конгода аҳоли 500 тилда, Индонезияда 250 тилда, Судан аҳолиси 117 тилда гаплашади. Хитой тилида айни пайтда бир миллиарддан ортқ киши гаплашади, чуқот ва веле тилида бор-йўғи бир неча юз минг киши мулоқот қилади. Янги Гвинейда деярли ҳар бир қишлоқ ўз тилига эга. 2002 йили Россияда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижасига кўра, Доғистондаги бағулал тилида 40, чамала тилида 12, кайтағч тилида 5 киши мулоқот қилиши аниқланган.

Тил моддий, маънавий меросни сақлаш ва бойитишнинг энг кучли воситаси ҳисобланади. ЮНЕСКО тахминларига кўра, мавжуд 7 мингга яқин тилнинг ярми жорий асрда ўзининг охириги соҳибларидан ажралиши мумкин. Ҳар ойда дунё миқёсидида иккитадан тил ўлаётганлиги даҳшатли ҳодиса!

Ўлим ёқасида турган 2,5 минг тилдан 15 таси Марказий Осиё халқларига тўғри келади. Жумладан, Марказий Осиё араблари тили, Бухоро-Самарқанд яхудиайри тили, Марказий Осиё лўлилари (парё) тили Ўзбекистон ҳудудидаги ўлаётган тиллардир. Бу тиллардан 2 таси Қозоғистон ва Қирғизистонда (дунган тили, ойрот тили), 1 таси Туркменистонда (трухман тили), 9 таси Тожикистондадир (вохон тили, ишкомиш тили, санглич тили, рошорв тили, шуғон тили, барган тили, рущон тили, язғулоб тили, яғноб тили).

Тилларни сақлаб қолиш инсоният олдидаги ўткир муаммолардан. Шунинг учун 1999 йил 17 ноябрда ЮНЕСКО томонидан эълон қилинган Халқаро она тили кунини — 21 февраль ҳар йили лисоний, маданий тараққиёт ва кўп тилликни таъминлашга кўмак бериш мақсадида нишонлаб келинади. Ўз навбатида, БМТ Бош Ассамблеяси 2008 йилини "Халқаро тиллар йили" (International year of languages) деб эълон қилганди.

Тилга давлат тили мақомининг берилиши уни турли муаммоларга дуч келиш хавфидан маълум даражада (!) халос қилади. Масалан, Исландия мамлақати тили бўлган исланд тили, Россия Федерациясидаги Удмуртия, Чукотка Республикалари давлат тили бўлган удмурт ва чуқот тиллари ҳам йўқлиш хавфига ҳо тутаётганлиги фикримизнинг далилидир. Албатта, юксак мақом тил ва унинг соҳиблари учун жуда улкан ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, тарихий, ҳуқуқий аҳамиятга эга. У миллий ях-

литликни ва бардавомликни таъминловчи асосий восита ҳисобланади. Бироқ тилнинг ўзигина унинг яшаб қолиши учун етарли кафолат бера олмайди.

Тиллар ўлимининг сабаб ва омиллари

Тил нега ўлади? Чунки одамлар ундан фойдаланмай қўйишади, кенг қўлланишдаги ва "обрули" тилларга устуворлик берилиши натижасида болалар бу тилда таълим олмайди.

Тиллар ҳам одамларга ўхшайди, ёнма-ён яшашади, бир-бирига таъсир қилади, ўзгаради — ривожланади. Аммо тараққиёт туфайли дунёнинг ягона ахборот маконига айланиб бориши тиллар тақдирини ҳам катта роль ўйнайди. Масалан, ўтган минг йилликда дунё тилларининг 500 таси ўлик воситага айланган бўлса, охириги юз йилликда 1000 та тил тарих қарғига сингиб кетди.

Дастлаб болаларнинг таълими тўхтаган тил хавфга рўпара бўлади. Агар тилнинг энг ёш сўзлашувчиси 60 ёшдан катта бўлса, бундай тилнинг яшаб қолиш имконияти йўқолади.

Тилларнинг тараққиёти ва таназзулида куйидаги ҳолатлар алоҳида ажралиб туради:

- 1) тилларнинг ўлик тилга айланиши (этруск тили, шумер тили, санскрит тили, қадимги хоразмий тили, сўғд тили);
- 2) тилларнинг бошқа тилга айланиши (грек тили, яхудий тили, арман тиллари);
- 3) тилларнинг бўлиниб кетиши (герман тиллари);
- 4) тилларнинг қўшилиб кетиши натижасида янги тилларнинг вужудга келиши (ўзбек, туркман тиллари);
- 5) тилларнинг "тирилиши" (иврит тили).

Дунё яхудийларининг саяё-ҳаракатлари билан "ўлган" иврит тили қайта жонлантирилди — мулоқот воситаси тусини олди. Бунда жонкуяр мутахассислар ва фидойи тил соҳиблари катта роль ўйнади. Тил яшаб қолиши учун унинг сўзлашувчилари сони 100 мингдан кам бўлмаслиги ёки мутахассислар жон куйдиришлари зарур бўлади.

Ҳар бир даврда тиллар тараққиёти ёки ўлимига турли омиллар сабаб бўлган. Улардан асосийларини тавсифлашга ҳаракат қиламиз.

XX асрдаги колониализм натижасида босиб олинган халқларнинг тиллари истеъмолдан чиқиб, мустамлакачиларнинг тили бўлган "ютиб юборган" ҳолатлар кўп бўлган. Масалан, мустамлакачилик оқибатида Австралия аборигенлари ўзларининг 30 дан ортқ тилидан маҳрум бўлган.

Римликлар истилоси натижасида лотин тили ўнлаб тилларни сиқиб чиқарди. Испанлар келгунга қадар Инкар империясининг кенгайиши ҳамда испан миссионерларнинг нечуа тилидан фойдаланиши оқибатида Анд водийларидаги ўнлаб тиллар истеъмолдан чиқди. Португалия истилоси

Глобаллашув:

Тиллар тараққиёти ва таназзули

боис, Бразилиядаги мавжуд тилларнинг тўртдан уч қисми йўқолиб кетди. Мексикадаги йўқолган тилларнинг сони номаълум, аммо колониализмнинг биринчи ўн йиллиги 90 фоиз туб аҳолининг бошига етганлигини тарих манбалари тасдиқлайди.

Мустамлакачи давлатнинг қонуни ҳам тилларнинг зўрлик билан истеъмолдан чиқиб кетишига сабаб бўлганлигига тарих шоҳид. XIX асрда Шимолий Америка халқлари 176 тилда гаплашадиган, қиёда лисоний ранг-баранглик мавжуд эди. 1887 йилда АҚШ Конгресси томонидан мактабларда ҳинду тилининг ҳар қандай қўлланишини тақиқлайдиган қонун қабул қилинди. Натижада бу тиллар бирин-кетин ўлик тилга айлана борди. Ва ниҳоят, 1990 йилда "яшил чирок" ёниб, қолган-қутган тилларни ўрганишга, ривожлантиришга йўл берилди. Аммо жуда кеч бўлган эди. Бу икки қонун оралиги (қарийб бир аср)да ҳиндуларнинг 60 та тили аллақачон ўлиб бўлган, 60–120 таси эса "жон бераётган" эди.

Бироқ тескари ҳолатлар ҳам содир бўлади. Масалан, Никарагуада 1980-йиллардаги иқтисодий даврида маҳаллий тилларда сўзлашувчилар сони кескин ошди. Чунки ҳукумат барча этник гуруҳларнинг лисоний ҳуқуқлари таъминлини ҳақида қонун чиқарди. Ҳатто бу ҳудуддаги ҳеч ким ҳисоблашмайдиган мискит тили расмий тил мақомини олди. Рама тилида сўзлашувчилар сони анча кўпайди.

XX асрда урбанизация (шаҳарлашув)нинг жадаллашиши тилларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлган етакчи ва энг қаттол омилдир. Шаҳарлашув тилларнинг ўлимига икки томондан сабаб бўлди. Бир томондан, кичик халқлар шаҳарга интилиши натижасида ўз тилларини унута борган бўлса, иккинчи томондан, катта-катта шаҳарлардаги тиллар ўз аҳамиятини йўқотган. Масалан, бугунги Москва шаҳрининг туб аҳолиси ва уларнинг тиллари ҳам йўқ бўлиб кетган. Ваҳоланки, бу ҳудудда *мурома* (пахлавон Илья Муромец мансуб қабила аъзолари шу тилда гаплашган), *мешёра*, *меря* тилларида сўзлашувчи қабилалар яшаган. Ёки Узоқ Шарқдаги айн халқини олайлик. Улар Кирил оролига ном берган элат ҳисобланади. Айн қабиласининг қолдиқлари Приморье, Сахалин, Курил, Камчатка оролларида яшашади. Ҳозир улар бор-йўғи 135 киши. Айн тили хали фанда ўрганилмаган. Бир вақтлар Япония ҳукумати "қарёра айн халқи яшаса, бу ҳудуд Японияга тегишли" деган мазмунни берувчи қонун қабул қилган.

Янги даврдаги ялпи глобаллашув "катта" тилларнинг ривожланишига сабаб бўлиб, "кичи" тилларнинг янги офатига айланади. Айрим мисоллар келтирамиз. Шимолий Россиядаги *саам* қабиласининг охириги вакили 1980 йилда вафот этди. Бироқ

Энг хавфдан холи тиллар қаторини инглиз, хитой, испан, немис, япон, француз, араб тиллари эгаллаган. Уларнинг хавфсизлиги гаплашувчилари сони, мамлакатларнинг кудрати, миллатининг тилсеварлиги ва оммавийлашганлик даражаси каби қатор омиллар билан белгиланади. Бу борада етакчиликни ҳали кўп вақт инглиз тили сақлаб турса керак. Инглиз тилида сўзлашувчилар сони хитой тилига нисбатан кам бўлса-да (450 миллион киши), унинг ишқибозлари кун сайин ошмоқда. АҚШ ва Англия иқтисодда етакчилик қилар экан, бу тилнинг мавқеи сақланиб қолаверадди. Бундай ҳол иккинчи жаҳон уруши олдида немис тили мисолида кўрин-

21-oktabr — "Davlat tili haqida"gi qonun qabul qilingan kun

Тиллар тараққиёти ва таназзули

ган эди ва дунё миқёсидида бу тилнинг расмий таълими урушдан кейин ҳам узоқ вақт сақланиб қолди. Бу жараён сусая бошлаши билан Германия бу тилнинг дунё бўйича ўқитилишини, ўрганилишини рағбатлантиришга киришди.

Хитой тили сўзлашувчилар сони бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради, аммо уларнинг бари хитойлардир. Таъкидлаш керакки, хитойликлар ҳам ўз тилларини дунёга таълим йўли билан ёйиш бўйича жидду жўрсатмоқдалар.

Айрим маълумотларга кўра, испан, француз ва немис тиллари қўлланиш даъвои бўйича тенглик сақламоқда. Япон тилининг ҳам ўрни алоҳида. Аммо кишилар ундан муҳим алоқа воситаси сифатида эмас, балки шунчаки бу тил "ёққанлиги" сабабли, экзотика учун ўрганмоқдалар. Рус тили эса ҳануз илгариги мавқеини тиклай олмаяпти.

Интернет — она тилимизнинг бардавомлик омили

Глобаллашув асрида тилларнинг яшаб қолиши кўпроқ ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, Интернет тизимида қўлланиш имкониятлари даражасига боғлиқ. Қайси тил Интернет тили эмас экан, бу тил рўпарасида ўлим хавфи тураверади.

"Интернет тили" ташунчасига тўхталар эканмиз, ўзбек тили Интернет тили эмасми, деган саволни қўйиш керак. Чунки ўзбек тилида Интернет саҳифаларида маълумотлар берилиб, ёзишмалар амалга оширилмоқда, тилимизда иш олиб борадиган сайт ва порталлар, ижтимоий тармоқлар кундан-кунга кўпаяётганлиги рост. Кўринадики, гўё тилимиз Интернет ва ахборот-коммуникация соҳаларида фаол қўлланаётгандек, тилимиз эса Интернет тилига айлангандайми?

Интернет компьютер технологияларига таянади. Компьютер лингвистикасида "компьютернинг тилни таниши" деган тушунча бор. Агар компьютер тилни "танир" экан, тилнинг компьютер тили, Интернет тили эканли-

Математик лингвистика эса инсонни тавсифдан истисно қилади ва у кўпроқ компьютерга мослаштирилади;

2) Мумтоз тилшунослик асосан тавсифий (дескриптив) характерга эга ҳисобланади. Математик лингвистика эса масалани микдорий тавсифлар ва аниқ мезонлар асосида ҳал қилади. Демак, мумтоз тилшунослик кўпроқ тавсифий баёнга асосланса, математик лингвистика микдорий (квантитатив) тавсифга асосланади.

Математик лингвистика тадқиқ этган масалалар доирасида энди нафақат математик-лингвистик моделларни яратиш, балки мавжуд моделларни қандай қилиб компьютерга татиқ этиш масаласи кўрилади бошлади. Шу тариқа "математик лингвистика" атамаси ўрнига "компьютер лингвистикаси" атамаси истеъмолга кириб келди.

Компьютер лингвистикаси — бу сунъий интеллектнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, у ўз олдида табиий тилларни электрон кўринишда ифодалашга мўлжалланган математик моделлардан фойдаланиш масаласини кўяди.

Компьютер лингвистикасининг асосий мақсади — табиий тилнинг математик моделини яратиш, қайта ишлаш, лингвистик муаммоларни ҳал этишга оид компьютер дастурларини ишлаб чиқишдан иборат. Компьютер лингвистикасининг вазифалари куйидагилар:

1. Табиий тилларни қайта ишлаш:
 - 1.1. Машина таржимаси.
 - 1.2. Табиий тилни фарқлаш ва генерация қилиш.
 - 1.3. Нутқ қисмларини автоматик жой-жойига қўйиш.
 - 1.4. Формал тил ва грамматикалар яратиш.
 - 1.5. Компьютерли диалог системаси.
2. Матндан ахборотни ажратиб олиш:
 - 2.1. Ахборотни кидириш.
 - 2.2. Ахборотни ажратиб олиш.
 - 2.3. Ахборотни қабул қилиш.
 - 2.4. Ахборотни рефератлаш.
 - 2.5. Ахборотни категориялаш.
3. Корпусга йўналтирилган ва асосланган амаллар (Норов А. Компьютер лингвистикаси асослари. Қарши: Насаф, 2017 й.).

Бу вазифаларни ундайдиган тизим сунъий интеллектдир. Сунъий интеллект икки маънода тушунилади. Бир маъносида инсон ақлий ҳаракатлари моделини ўзида намоён этувчи интеллектуал машиналарни англатса, иккинчи маъноси билан уларни яратиш қонуниятларини ўрганувчи фанни ифодалайди.

Сунъий интеллектга фан сифатида кўплаб таърифлар берилди. Уларни умумлаштириб айтиш мумкинки, *сунъий интеллект* — компьютер ёрдамида интеллектуал масалаларни ечиш методлари билан шугулланувчи илмий фанлар мажмуасидан иборат яхлит фан. Сунъий интеллект методлари асосида аниқ бир предмет соҳасига тегишли мураккаб масалаларни ечишга мўлжалланган дастурий ёки техник системалар интеллектуал системалар, деб юритилади.

Сунъий интеллектга фан сифатида кўплаб таърифлар берилди. Уларни умумлаштириб айтиш мумкинки, *сунъий интеллект* — компьютер ёрдамида интеллектуал масалаларни ечиш методлари билан шугулланувчи илмий фанлар мажмуасидан иборат яхлит фан. Сунъий интеллект методлари асосида аниқ бир предмет соҳасига тегишли мураккаб масалаларни ечишга мўлжалланган дастурий ёки техник системалар интеллектуал системалар, деб юритилади. Муайян предмет соҳасидаги масалаларни амалий ечишга мўлжалланган

интеллектуал системалар эксперт системалардир.

Дунё миқёсидида сунъий интеллектлар яратиш асосида табиий тилларни математик моделлаштириш ётади. Математик моделлаштириш натижалари сунъий интеллектнинг фаолият дастурини яратишга асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўзбек тили мисолида ҳали очилмаган кўриқдир.

Сир-синаотлар ҳали очилмаган

Тиллар ўлар экан, тил билан бирга тил соҳиблари руҳияти, борлиқни идрок этиш механизми, миф ва афсоналари, асотирлари ҳам йўқолади. Инсоният эса тилларни тадқиқ этишга киришганига унча кўп бўлгани йўқ. Дунё тилларининг муайян қисми илмий ўрганилган, холос. Йўқолган ва йўқолаётган тилларнинг аксарияти эса тадқиқ қилинмаган. Яратганнинг тилдай улуг неъматини сир-синаотлари ҳали очилмади. Жуда кўп тиллар бу сирларни ўзи билан олиб кетмоқда.

Тиллар борлиқни турлича акс эттиради. Айрим кичик ва ўлаётган тиллар борлиқни тўлиқроқ, ёрқинроқ ифодалашди, уларда борлиқни акс эттиришнинг яхши ишланган мукамал моделлари мавжуд бўлиши, бу инсониятнинг умумий тилни моделлаштириш имконини бериши мумкин. Инсоният ҳали бундай моделларни аниқлаб улгургани йўқ.

Бугун олимлар мукамал тил моделларини излаш, уларни сунъий интеллект учун танлаш, чекланган, махсус фойдаланиш учун қулай терминологик подсистемаларни берадиган тилларни аниқлаш борасида бош қотирмоқдалар. Йўқолиб кетаётган ҳар хил қурилиши тилларни сақлаб қолиш, илмий ўрганиш компаративистика, сунъий интеллект, психоллингвистика, типология ва бошқа кўплаб назарий, амалий соҳалар учун қиматли маълумотлар бериши мумкин. Шу боис, тилшуносликнинг ўлик тилларни, уларнинг қолдиқларини тадқиқ қилиш билан шугулланувчи янги бир соҳаси — реликтуоллингвистикага кучли эҳтиёж пайдо бўлмоқда.

Юқорида айтилганидек, тиллар хавфсизлиги **алифбо-имло, кўп сонли сўзлашувчиларга эгалик, давлат тили мақоми ва ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет тили эканлиги** омиллари билан таъминланади. Албатта, бизнинг она (ўзбек) тилимизнинг ҳам ўз алифбо ва имлосига, давлат тили мақомига эгалиги, 30 миллиондан ортқ сўзлашувчиси борлиги кишини хушнуд қилади. Бироқ аччиқ бўлса-да, таъкидлаш керакки, унинг ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет тили даражасига кўтарилмаётганлиги бу борада на назарий, на амалий ишлар олиб борилмаётганлиги унинг ҳам маъмур хавфдан бут-қўл холи эмаслигини кўрсатади.

Бахтиёр МЕНГЛИЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор



"MA'RIFAT" ga maktublar

Toshkent shahri
Matbuotchilar ko'chasi 32-uy.
"Ma'rifat" gazetasi tahririyatiga
E-mail: info@marifat.uz

Виртуал олам хавфи

Кариялар бизга ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда насиҳат қилишади: "Бизнинг давримизда дийдор ширин эди, кўшни қишлоқда яшайдиган жўра-йўлдошлар билан учрашишга вақт топганмиз. Мехр-оқибат мустаҳкам бўлган. Сиз-чи? Чет элдаги дўстингиз билан интернетда "юзмаюз" суҳбатлашасиз. Лекин ўзингиз танимаган дунё, гўё атрофингизда ҳеч ким йўқдек. Сизга меҳр билан парвона бўлаётган яқинларингизга қайрилиб ҳам қарамайсиз!"

Рус тадқиқотчиси Б.М.Глушков шундай дейди: "XXI асрда техник жиҳатдан ривожланган давлатларда ахборотнинг асосий қисми қоғозсиз кўринишда — компьютер хотирасида сақланади. Ушбу ахборотдан фойдалана олмаган киши XX аср бошидаги ўқиш ва ёзишни билмайдиган кишига ўхшаб қолади".



Bugunning gapri



Дарвоқе, виртуал олам одамзотни шу қадар поёни йўқ манзилларга чорлайдики, баъзилари келажак сари етакласа, айримлари боши берк кўчага улоқтиради. Ана шунда кўпни кўрган кексаларнинг фикрини тасдиқлагандек бўламиз: туғишганингиз ёнингизда бўлиб, уни кўрмайсиз ёки у билан учрашишни истамайсиз. Вақт босими остида олам гўзалликлари тамоман қадрсизланади. Одамови, худбин шахсга айланасиз. Агар интернет тармоғидан фойдаланиш маданиятини ўрнатирмас экансиз, тармоқнинг чегара билмас олами одамни ботқоқликка итариши ҳеч гап эмас.

Интернетдан фойдаланётганда тармоқда хавф-хатар мавжудлигини, ёш авлоднинг ахлоқий ва маънавий тарбиясига салбий таъсир этувчи ахборотнинг тарқатилишини, номаълум шахслар билан мулоқот имконияти кенглигини ҳисобга олиш зарур. Нотаниш сайтларга кирмаслик, агарда бундай ҳолат содир бўлса, тезда чиқиб кетиш, охиригача ўқима туриб, таклиф этилаётган шартларга рози бўлмаслик, номаълум кишилардан спам-хабарлар келса, уларни очмасдан ва ўқимасдан ўчириб ташлаш тавсия қилинади.

Виртуал олам — чексиз уммон, унинг салбий жиҳатларидан сақланиш ҳар бир инсоннинг ўз қўлида. Биз катталар ёшларни виртуал оламга буткул гарқ бўлишдан сақлашимиз керак.

Дилдор НУРМУХАММЕДОВА,
Термиз туманидаги 9-умумий
ўрта таълим мактаби ўқитувачиси

Либос — инсоннинг юзи

Ўқув йили тугаши арафасида хайрлашув тадбирлари бўлиб ўтади. Таниш ўқитувчилардан бири бу тадбирга кийим тиктирибди. Кўйлагининг этаги узун ва жуда кенг. Аммо... ён томони деярли белги қадаш очик. "Сизга нокулай эмасми?" деган саволимга у сира хижолат бўлмай "Хамма ўқитувчилар шу фасонни танлашди", дея жавоб берди. Хўш, ярим яланғоч кийинган бундай устозлар ўз

ўқувчиларига қандай тарбия бера олади? Ёшлар-чи? Унинг ўғитларига кулоқ соладими?

Бу муаммо айрим ота-оналарга ҳам тегишли. Кийиниш маданияти ҳақида оддий ҳақиқатни тушулмаган ота-она фарзандига нима ҳам дея оларди? Бўйи етиб қолган қизи олдида калта иштон кийишдан уялмайдиган ота, овози дўриллаб қолган ўғли ёнида очик-сочик кийимда юрган она уларга қандай ўрнатилган кўрсатиши мумкин? "Ўзбекистон" телека-

"Алпомиш" дostonини ўқиб келинг!"

Миллий университетнинг тўртинчи босқич талабасиман. Кўплаб устозлар сабоқ беради: қизиқарли, таъсирли, эсда қоларли. Омонулла Мадаев, Дилмурод Усмонов, Фахриддин Каримов, Рамзиддин Абдусатторов каби ўқитувчиларнинг ҳар бир дарсини орзиқиб кутамиз.

Етук адабиётшунос олим Омонулла Мадаев "Ўзбек адабиёти тарихи" фанидан дарс беради, асло зерикмаймиз. Агар маърузаси чўзилиб кетганини сезса, устоз дарров кўлига дутор олиб, бирор куйни чалишга тушади. Машҳур ғазалларни шу даражада ифодали ўқишга тушиб кетса, бутун аудитория сукунат оғушида қолади.

Биринчи жорий назоратда у киши биз талабаларга "Алпомиш" дostonини тўлиқ ўқишни тайинлади. Икки ҳафта ўтгач, ҳаммани бирма-бир "элак"дан ўтказди. Бир курсдошимизга навбат келди:

— Устоз, мен ҳозир Пиримкул Қодировнинг романини ўқийётган эдим, "Алпомиш"ни сал кейинроқ... — деган жавобдан домла ранжиди:



— "Алпомиш"ни ўқима туриб, бошқа китобни қўлга олиш уят эмасми?!

Курсдошим изза бўлди. Пиримкул Қодировнинг асарини мутолаа қилаётгани ҳам чакки эмас. Аммо домланинг талаби ўринли эди. Кейинги семинар-дарсда "Алпомиш" дostonини охиригача мутолаа қилган ҳалиги курсдошимнинг юзи ёруғ бўлди.

— Ана бу бошқа гап! — дея фольклоршунос домламиз уни рағбатлантириб қўйди.

Шу воқеадан сўнг барчамиз домланинг ҳар бир дарси, ҳар бир топширигини ўз вақтида бажаришга одатландик.

Ҳилола ҚАРШИБОВА,
ЎЗМУ талабаси

Миллий тарбия стандарти зарур

Тарбия қандай жараён эканлиги, уни қачондан бошлаш кераклиги ҳақида кўп ва хўп баҳс юритилган. Бу муаммо эндиликда яна ҳам жиддийлашди. Мактабгача таълим, умумтаълим муассасаларида билимни тарбия билан узвий боғлиқ ҳолда бериш белгилаб қўйилган. Олиб борилаётган ишлар кўлами жуда кенг, ҳаттоки салмоқли. Лекин рақам ва фактларга мурожаат этадиган бўлсак, ҳали ечимини кутаётган талайгина муаммолар борлигидан кўз юмолмаймиз.



Siz nima deysiz

Аслида, тарбия жараёни оилада қуриладиган пойдевордан бошланади. Бу борада кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётгани рост. Энг оқилона модел — "Оила — маҳалла — мактаб" концепцияси яратилди. Лекин, бу модел не чоғли самара бермоқда? Назаримда, бу тизим ўзининг биринчи босқичидаёқ оқсаб, тўғри йўлга туша олмаяпти. Оилада фарзанд тарбияси қатъий тарзда олиб борилишини таъминлайдиган тизим яратилмаган. Буни мен педагогик талқинда "Миллий тарбия стандарти" деб атаган бўлардим. Мисолни ривожланган мамлакатлар тажрибасидан оладиган бўлсак, "япон характери" ёки "корейс табиати" атамалари остида бу миллатларнинг тарбия стандарти ётганлигини кўраимиз.

Давлатимиз ва халқимиз келажagini белгилаб берувчи, ягона, фарзанд тарбияси стандарти ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши лозим, деб ўйлайман. Ҳар бир ёш фуқаро бўлажак ота-онадир, ва албатта, миллатнинг давомчиси саналади. Лекин бўлажак ота-оналар оиланинг муқаддас эканлигини қай даражада тушунаркинлар? Менимча, оилани муқаддас қилувчи, ташқи аралашувлардан ҳимоя қилувчи асосий восита фақат тарбия бўлса керак. Юртимизда никоҳга қираётган ҳар бир ёш жуфтлик учун унинг бош мезони белгилаб қўйилиши, уларга фарзанд тарбияси стандарти мукамал ўргатилиши лозим. Зеро, никоҳ тузиш учун келин-куёвларнинг жисмоний саломатликларини текшириш қатъий белгилаб қўйилган. Лекин уларнинг маънавий олами қай даражада эканлиги бундан ҳам муҳимроқдир.

Маҳмадиёр НУРМАТОВ,
Чирокчи туманидаги
109-мактаб директори

нали орқали намойиш этилган "Халоват кўчаси" сериалида ўзбек маҳалласидаги типик ҳаёт, кишиларнинг бир-бирига меҳр-оқибати, қадриятларимиз тасвирга олинди. Оила ва маҳалла тарбияси уйғунлаштирилган. Талқинга кўра, ота жуда қаттиққўл. Ўсмир ўғлини ҳар томонлама назорат қилади. Аммо ота ўғлининг кўчада, жамоат жойида калта иштонда юрганига заррача эътибор бермайди. Ёки шу "қаттиққўл" отанинг қизи журналист. Эғнида тор кофта, ёпишган шим ва кепка. Уйда, кўчада, иш жойида ҳам уни ўша

кийимидан танийсиз. Ўғилга ўта қаттиққўл ота қаттиққўл европача кийимини одатий ҳол деб қарashi нимадан далолат беради?

Бир неча йил илгари "Хуршида" деган кўп қисмли телевизион фильм намойиш этилган эди. Шундан сўнг, калта кўйлак ва шим кийиш қизларга урф бўлди. Кейинроқ "Шабнам" фильми экранга чиққанидан сўнг, сочларини майда ўрдириб, атлас кўйлак ва дўппи кийиб юрвчи қизлар кўпайди. Демак, экран асарларида нима тарғиб қилинса, шу ҳолат оммалашар экан.

Карима АШУРОВА

2017-yil 14-oktabr, № 82 (9043)

Назаримизда, кўчирмакашлик фақат ўқувчиларгагина хос эди. Билимсиз ўқувчилар билимдонларнинг ёнига ўтириб, ёзма ишларни улардан кўчиришга уринарди. Қилмиши фош бўлганлар "кўчирмакаш" деб аталарди. Уларнинг баҳоси, албатта, "2". Бу ҳунук одатнинг пайили қирқинч учун баъзан ўқитувчилар кўчирганга ҳам, кўчиртирганга ҳам "2" қўйиши мумкин. Кўйи синфдаги ўқувчилар кўчирмакашликни курс эканлигини англамай содир этишарди. Бу ўткнчги ва кечиримли ҳол, албатта.

Замонлар оша кўчирмакашлик ҳам ижтимоий иллатга айланди. Жиноят тусини олди. Ҳуқуқий тилда у "плагиат" термини билан юритилди. Моҳиятан, ўзгаларнинг интеллектуал (ақлий) мулкни ўзлаштириш йўли билан ўғирлашга плагиат дейилади. Бу эса кечиримли ҳол эмас. XX асрда ахён-ахёнда кўзга ташланганидан фикр ўргилиги XXI асрда илм ва ижод оламига зарарчандек ўралашиб кетди. Одамлар бу ишнинг ўрал, жиноят эканлигини унутиб бораётгандек. Унга гўёки ундй холдай қарашга кўнишмоқда. Янги дарсликларни ўрганар эканман, ногаҳон ўзининг интеллектуал мулкига ҳам шундай муносабатда бўлишганини кўрдим.

Тўрт марта қайта нашр бўлган 10-синф "Ўзбек адабиёти" дарслигини Мухаммадризо Огаҳийнинг "Устни" радифи газелини шарҳлаганман. Дарсликка масъул муҳаррир бўлган филология фанлари док-

Шунда шоир тахайюл қудратидан фойдаланади ва газалхонга: «Агар шамшоднинг устига гул пайванд бўлганини кўрмаган бўлсанг, бундай мўъжизани табиатдан изламай ҳам қўя қолгин-да, ёрнинг зери қомагига ярашиқ гулгун юзини томоша қил!» дея мурожаат этади:

Қилгил тамошо қомаги зебоси бирла оразин, Гар кўрмасанг гул бўлгонин пайванд шамшод устни.

Юқоридаги байтлар, асосан, ёр гўзаллигини васф этишга қаратилган бўлса, куйидаги байтлар изхор услубида битилган. Уларда лирик қаҳрамон ахлоли руҳий ифодаланган:

Нозу адову гамзаси қасдим киуларлар дам-бадам, Ваҳ, мулча офатму бўлур бир одамизод устни.

Шоир газелини яна ахлоли руҳияси изхори билан тугаллайди: Не журъат ила Огаҳий очгай

оғиз сўз дергаким, Юз хайли гам қилмиш ҳужум ул зору ношод устни.

Бу мисралар гамнинг юз лашкари ҳужум қилиб турганида, «зору ношод» шоир газалхонлики давом эттиришга журъат тополмай, сўзини мухтасар қилиб қўя қолганидан далолат беради.

Умуман, газал ўзига хос ички бадий қурилмасига эга, ташқи бадий хусусиятлари — қофия, рафид, лафзий-маънавий санъаткорлик жиҳатидан ҳам мукамал асардир.

(Ўзбек адабиёти. 10-синф дарслиги. Ф.Улоом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т.: 2003. 343—345-бетлар.)

Энди 2014 йили нашр этилган 9-синф адабиёт дарслигидаги мазкур газал таҳлилни ўқиб, уни юқоридаги таҳлил билан солиштиришигиз мумкин:

...Мақтада машуқанинг қоши ва кўзи таъриф этилмоқда. «Мушкин сўзи ҳам қоралик, ҳам хушбўйликини ифодалайди. «Мушкин (қора ва хушбўй) қоши» туклари, «чаши жаллод» — жаллод



Taassuf

тига дам-бадам офат ёғдиради. Биринчи байтдаги қатлга фармон олган қотил кўз яна жонланади, ошиқнинг хаста жонига тахлика солиб, бедод устига бедод этади. Бояги гул юз ўзининг шавқи билан шайдо кўнгулни ўртайди ва у кечаю кундуз бўлбул каби юз наво, минг фарёд чекади. Муболага мисрама-мисра кучайиб, олий даражага кўтарилади. Огаҳий лирик қаҳрамони чеккан гам юкларни шу қадар оғирки, агар фалак Фарҳоднинг устига яна минг Бесутун ёғдиришга ҳам, ошиқ чекаётган гам юкининг мингдан бирча бўлмайдй. Бесутун — Фарҳод қазиган афсонавий тоғ.

Газалининг 7, 8-байтларида ошиқона кечинмалар изхоридан чекинилади. Фалсафий умумлашма руҳидаги байтлар битилди. Улар биринчи байтдан кам бўлмаган шохбайт даражасида вужудга келган:

Эй шах, қарам айлар чоғи тенг тут ямону яхшини Ким, меҳр нури тенг тушар вайрону обод устни. Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуруб бод устни.

Бу ўриндаги шохга мурожаат, Огаҳийнинг давр ҳукмдорига қарата қўлланган. Огаҳий юқоридаги сатрларда тасвирланган машуқадан чеккан ситамлари, муайян даражада, даврдан торган ситамлари тимсоли ҳам эди. Демак, тушуниш мумкинки, шоир изхори дард воситасида кўнглини бўшатиб олгач, шохни адолатга чорлаб, унга пурҳижмат панд айтди. Марҳамат ва муруват кўрсатганинда, ёмону яхшига тенг муносабатда бўлгин, деган фикрни чиройий шерьий асослаш учун офтоб ўз нурини вайрона ва обод ерларга тенг сочишини мисол қилиб келтиради. Қуёшдек юксак мартабада ўтирган амалдорни Сулаймоншоҳдек тахтини шамол устига кўндариб, бу оламдан елдек сайр этиб ўтса ҳам охир-оқибатда танаси тупроққа айланиши ва елга совурилишидан огоҳлантиради. Шоир газалини яна ички кечинмалари изхори билан тугаллайди:

Не журъат ила Огаҳий очгай оғиз сўз дергаким, Юз хайли гам қилмиш ҳужум ул зору ношод устни.

Бу мисралар гамнинг юз лашкари ҳужум қилиб турганида, «зору ношод» шоир газалхонлики давом эттиришга журъат тополмай, сўзини мухтасар қилиб қўя қолганидан далолат беради.

(Адабиёт. 9-синф дарслиги. «Янгиўл полиграф сервис» Т.: 2014 йил. Биринчи қисм. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. 138-140-бетлар.)

Илмий-ижодий фаолиятимда кўчирмакашликнинг бир қанча кўринишларига дуч келдим. Уларни ўрганиш асосида ўзимда илмий фикр-хулосалар ҳосил қилдим. Кўчирмакашлик нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий тушулча ҳамдир. Ҳақиқатда ижодий меҳнат қилишдан бўйин товлاب, ўзгаларнинг ақлий мулкига кўз олайтириш, унга тажовуз қилиш, ақлий ўғриллик маҳсулини уялмай-нетмай, жамоатчилик назаридан ўтказиб, очик-ошкора матбуот ва нашриёт орқали чоп эттириш бориб турган ахлоқсизликдир. Иккинчидан, кўчирмакашлик маънавий тушунчидир. Бундай ишлар илм ва олимлик шаънига исноддир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан, «Тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш... энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамқ билан жазоланади». (Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Тошкент, «Адолат», 1997 йил, 177-бет). Мантиқан англашмиладики, кўчирмакашлик дарслик ақлий ва чоп этиришда бирининг ёқий фаолияти маҳсулини ўзлаштирган эканлар, демак, улар беш йилгача дарслик яратишда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши керак. Бўлмаса бундай «муаллиф»лар масъулияти ҳис этилмайдилар. Жиноят учун жазо муҳаррар эканлигини барча бирдек ҳис этиши зарур.

Нусратулло ЖУМАХУЖА, филология фанлари доктори, Халқ таълими вълчосиси

Дарсликдаги кўчирмакашлик

тори Хамиджон Хомидовнинг "Огаҳий сайратиб юборибди" деган таҳсилларини эшитиб, кўнглим ифтихорга тўлган. Орандун йилдан ортиқроқ вақт ўтгач, Қозоқбой Йўлдошев, Валиқон Қодиров, Жаллоббек Йўлдошбековлар номидан чоп этилган 9-синф "Адабиёт" дарслигининг қатли ишланган ва тўлдирилган 3-нашрида менинг таҳлилим кўчириб босилганини кўрдим. Айни фикрларимга далил сифатида аввал 10-синфдаги оригинал таҳлилни, сўнгра 9-синф дарслигидаги жузъий ўзгаришлар билан кўчириб босилган таҳлилни эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман. Кейинги иловада тағига чиқиқ тортилган жойлари айнан менинг таҳлилимга тегишли жумлалар эканлигига ишора:

...«Мушкин қоши» яъни қора ва нафис қоши туклари «чаши жаллод» — жаллод кўзлар атрофида хайъат аъзоларидек саф тортишган. Кўзининг қатл этувчи, жон олувчи жаллод сифатида тасвирланиши аънаваний ҳолат. «Мушкин қоши» ибораси ҳам аънаваний. Бироқ мушкин қоши тукларининг хайъат сифатида жонлантеририлиши ва жаллод кўзлар билан иттифок туздиррилиши Огаҳийнинг ижодий кашфиёти — новаторлигидан далолатдир. Новаторликнинг қиймига етган ҳосиласи шундаки, қошлар кўзлар билан иттифок тузиб, ошиқни қатл этиш учун ҳукм чиқарадилар. Бунинг бадий ифодаси ҳам жуда мароқли. Бунда шоир харфий ўйинлар санъатидан фойдаланади. Қошининг «нун» харфига қийсланиши, кўзининг эса «сод» харфига такқосланиши ҳам адабий аънана. Лекин камдан-кам санъаткор ушбу аънанани удаллаб амалга оширилган. Боз устига, Огаҳий қош ва кўзининг иттифоқини ифодалаш учун уларни («нун» элтибон «сод» устни) остин-устин жойлаштиради. Аслида ҳам қош билан кўз шундай жойлашган, ҳамжихат бирикқудан «нас» сўзи вужудга келади. Араб тилидаги «нас» сўзи эса қатл учун чиқарилган ҳукм баён этиладиган хатни англатади. Байтнинг газалхон учун сирли ва сехрли жиҳати ҳам шунда. Демак, қошлар хайъати жаллод кўзга ошиқни қатл этиш тўғрисида шафқатсиз фармон-фатво беради. Байтдаги ушбу бадий манзара ҳаётийлик, табиийлик, ишонарлиги билан таъсирчан ва гўзалдир.

Иккинчи байт қомат ва чеҳра тасвирига бағишланаркан, шоир «қомати зебо» сифатлаши билан қаноатланмайдй. У ўхшатиш учун севиқлигини бўйи билан юзидек яқвучуд гўзалликини табиатдан тополмайди. Шунинг учун богдорчиликдаги «пайванд» усулини газалга олиб қиради. Гул — ёрнинг юзидек ёниқ ва чиройли, лекин унда шамшод дарахтидек қўркам қомат йўқ. Шамшод — қураш-ёзин, умрбод ям-яшил шинаб турадиган хушқомат дарахт. Бироқ ёрнинг гулгун чеҳрасидек гул очмайди. Табиатда гулли шамшодга пайванд этиб ҳам бўлмайди. Китобхонда қадди шамшод ва гулгун юзининг бир вужудда мужқасамлиги тасаввурини уйғотиш керак.

Ман хастага жон асрамқ эмди зрур душворким, Қотил кўзи бедод этар ҳар лаҳза бедод устни. Ул гул юзи шавқи била шайдо кўнгул шому сахар

Булбўлдек айлар юз наво минг навъи фарёд устни. Бошимга ёққан гам тошин мингдин бирча бўлмағай Гардун агар минг Бесутун ёғдира Сафарход устни.

Бу байтларнинг бари муболага санъати билан суғорилган. Ошиқнинг фарёду фигон чекишча, машуқнинг нозу адову гамзаси бир одамзоднинг бардош ва саботи етмайдиган даражада қасд этиб, унинг устига дам-бадам офат ёғдиради. Биринчи байтдаги қатлга фармон олган қотил кўз яна жонланади, ошиқнинг хаста жонига тахлика солиб, бедод устига бедод этади. Бояги гул юз ўзининг шавқи билан шайдо кўнгулни ўртайди ва у кечаю кундуз бўлбул каби юз наво, минг фарёд чекади. Муболага мисрама-мисра кучайиб, олий даражага кўтарилди. Бесутун — Фарҳод қазиган афсонавий тоғ. Огаҳий лирик қаҳрамони чеккан гам юкларни шу қадар оғирки, агар фалак Фарҳоднинг устига яна минг Бесутун ёғдираш ҳам, ошиқ чекаётган гам юкининг мингдан бирча бўлмайди.

Газалининг 7, 8-байтларида лирик мундарижадан чекинилади. Фалсафий умумлашма руҳидаги байтлар битилди. Улар биринчи байтдан кам бўлмаган шохбайт даражасида вужудга келган:

Эй шах, қарам айлар чоғи тенг тут ямону яхшини Ким, меҳр нури тенг тушар вайрону обод устни. Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуруб бод устни.

Бу ўриндаги шохга мурожаат давр ҳукмдорига қаратилган. Огаҳий юқоридаги мисраларда тасвирланган машуқадан чеккан ситамлари муайян даражада, даврдан торган ситамлари тимсоли ҳам эди. Демак, тушуниш мумкинки, шоир изхори дард воситасида кўнглини бўшатиб олгач, шохни адолатга чорлаб, унга пурҳижмат панд айтди. Марҳамат ва муруват кўрсатганинда, ёмону яхшига тенг муносабатда бўлгин, деган фикрни чиройий шерьий асослаш учун офтоб ўз нурини вайрона ва обод ерларга тенг сочишини мисол қилиб келтиради. Қуёшдек юксак мартабада ўтирган амалдорни Сулаймоншоҳдек тахтини шамол устига кўндариб, бу оламдан елдек сайр этиб ўтса ҳам охир-оқибатда танаси тупроққа айланиши ва елга совурилишидан огоҳлантиради. Огаҳийнинг бу сабоқлари умрбоқий моҳиятга эга.

кўзлар устида хайъат аъзоларидек саф тортишган. Кўзининг қатл этувчи, жон олувчи жаллод сифатида тасвирланиши аънаваний ҳолат. «Мушкин қоши» ибораси ҳам аънаваний. Бироқ мушкин қоши тукларининг хайъат сифатида жонлантеририлиши ва жаллод кўзлар билан иттифок туздиррилиши Огаҳийнинг ижодий кашфиётидир. Кашфиётнинг қиймига етган ҳосиласи шундаки, қошлар кўзлар билан иттифок тузиб, ошиқни қатл этиш учун ҳукм чиқарадилар. Бунинг бадий ифодаси ҳам жуда мароқли. Бунда шоир харфий ўйинлар санъатидан фойдаланади. Қошининг «нун» харфига қийсланиши, кўзининг эса «сод» харфига такқосланиши ҳам адабий аънана. Лекин камдан-кам санъаткор ушбу аънанани удаллаб амалга оширилган. Боз устига, Огаҳий қош ва кўзининг иттифоқини ифодалаш учун уларни («нун» элтибон «сод» устни) остин-устин жойлаштиради. Аслида ҳам қош билан кўз шундай жойлашган, ҳамжихат бирикқудан «нас» сўзи вужудга келади. Арабча бу сўз «ҳукм» деган маънони англатади. Байтнинг газалхон учун сирли ва сехрли жиҳати ҳам шунда. Демак, қошлар хайъати жаллод кўзга ошиқни қатл этиш тўғрисида шафқатсиз ҳукм чиқариб беради.

Қилгил тамошо қомаги зебоси бирла оразин, Гар кўрмасанг гул бўлгонин пайванд шамшод устни.

Иккинчи байтнинг биринчи мисрасида аънаваний тасвир ва ифодалар яқоқ кўзга ташланади. Лекин шоир аънаваний сифатлашлар билан чекланмайди. У ўхшатиш учун севиқлигини бўйи билан юзидек яқил гўзалликини табиатдан тополмайди. Шунинг учун богдорчиликдаги «пайванд» усулини газалга олиб қиради. Гул — ёрнинг юзидек ёниқ ва чиройли, лекин унда шамшод дарахтидек қўркам қомат йўқ. Шамшод — кишин-ёзин, умрбод ям-яшил шинаб турадиган хушқомат дарахт. Бироқ ёрнинг гулгун чеҳрасидек унда гул очилмайди. Табиатда гулли шамшодга пайванд этиб ҳам бўлмайди. Ёрнинг қадди шамшод ва юзининг гул каби эканлиги ва улар бир вужудда мужқасамлигини ўқувчи кўзи олдига гавдалантириш керак. Шунда шоир тасаввур қудратидан фойдаланади ва газалхонга: «Агар шамшоднинг устига гул пайванд бўлганини кўрмаган бўлсанг, бундай мўъжизани табиатдан изламай ҳам қўя қолгин-да, ёрнинг зебо қомагига ярашиқ гулгун юзини томоша қил!» дея мурожаат этади:


Юқоридаги байтлар, асосан, ёр гўзаллигини васф этишга қаратилган бўлса, 3-, 4-, 5- ва 6-байтлар изхор услубида битилган. Уларда лирик қаҳрамон кечинмалари ифодаланган. Ушбу байтларнинг бари муболага санъати билан суғорилган.

Ошиқнинг фарёду фигон чекишча, машуқнинг нозу адову гамзаси бир одамзоднинг бардош ва саботи етмайдиган даражада қасд этиб, унинг ус-

Урта асрларда шаҳару қалъалар дарвозаси ўша ҳудуднинг муҳим объектларидан бўлиб, одамлар, транспорт воситалари, маҳаллий ва хорижлик савдогарлар ҳамда ҳайвонлар подаси кириб-чиқишини таъминлаш, назорат қилиш, бож ундириш ва мудофаа мақсадларига хизмат қилган. Қадимги Бобилда қурилган «маъбудлар дарвозаси» синаоти ушбу мавзунини узок мингйилликларга боғлайди.

Милoddan аввалги II мингйилликда Бобил подшолиги Месопотамия жанубидаги энг йирик қудратли давлатга айланган. Милoddan аввалги VII асрда вужудга келган янги Бобил подшолиги Навуходоносор II ҳукмронлиги даврида

га отказувчи чопарлар фаолияти равнақ топди. Луғавий жиҳатдан «девордан ўтиш учун очилган тешик» маъносини англатувчи дарвоза айна вақтда мамлакатнинг ҳимоя қилинадиган энг заиф нуқтаси ҳам эди. Шу боис, мудофаа қуд-



Дарвоза – мудофаанинг муҳим объекти



равнақ топганини Бобилда ўша пайтлар саккизта дарвоза бунёд этилганидан билиш мумкин. Эътиборлиси, «Бобил» сўзининг ўзи ҳам «худолар дарвозаси» деган маънони англатади.

Мустаҳкам мудофаа девори билан ўралган шаҳарнинг барча дарвозаси антик давр адабиётдаги маълум тўхима образлар — илоҳлар номи билан аталган. Дарвозалар, уларга элтувчи «муқаддас йўл» шер, буқа ва аждарнинг бўртма тасвири туширилган сирли зангори кошинлар билан безалган. Уларнинг ичида кўркям ва ҳашаматлилиги билан ажралиб тургани — муҳаббат ва уруш маъбудаси Иштар номи қўйилган дарвоза бўлиб, у ибодатхона ва саройларга олиб борувчи тантанавор йўл устида бўй чўзган.

Бундан 5000 йил муқаддам подшолар давлатни маъбудлар, коҳинлар ва ҳарбий кўшинларга таяниб бошқарган. Ой худоси — Сина ҳамда сув худоси — Эздан фарқли ўларок, севги ва уруш илоҳи — Иштарнинг икки юзи бўлган. Кўёш худоси — Шамаш эса олий ҳакам сифатида гавдалантирилган.

Иштар дарвозасидан шаҳарнинг бош ибодатхонасига элтувчи йўл бошланган. Ибодатхона ёнидаги тўқсон метрли катта минора эса Бобил «осма боғлари» бағрида эртанкам кўриниш ҳосил қилган. Бобил милoddan аввалги 539 йили форслар томонидан босиб олинган, Олд Осие халқларининг қадимий дарвозалари йўқлигига юз тугган.

Бироқ шундай қирғинбарот жангу жадалларга бой милoddий асрларда ҳам дунё дарвозалари ўз аҳамиятини йўқотмади. Хусусан, соқчилар кунун тун қўриқлайдиган дарвоза атрофида юз берган ҳодисаларни сарой аъёнлари-

ратини янада кучайтириш мақсадида дарвозанинг икки ёнига бакуват минора қурилган. Бу эса ҳар қандай ҳужумнинг олдини олиш ва унга қарши туришда оқилона ечим бўлган. Томи ва ёв ҳужумидан химояланиш учун девор тўсиқлари бўлган дарвоза минораларидан туриб, яқин масофадаги душман аскарлари устига ёғ қўйиб, олов пуркалган, оғир харсанглр улоқтирилган. Қалъани душманлардан химоялашнинг бундай усули XIII—XIV асрларда кенг тарқалган.

Нодир рамзий экспонат

Бир вақтлар маълум бир ҳудудга киришни тартибга солиш мақсадида барпо этилган шундай дарвозалар борки, бугун улар очик осмон остидаги музейга айланган. Хусусан, Россиядаги етти та шаҳар дарвозасидан бири — Кириллик дарвозаси (Konigstor) Калининграддаги Фрунзе кўчаси ва Литва мавзеси чорраҳасида жойлашган. Ушбу ноёб объект мухофазаси ва реставрацияси учун давлат бюджетидан доимий тарзда маблағ ажратилиши бежиз эмас. Чунки бу объект шаҳар рамзи ҳисобланади.

Дастлаб дарвоза номи маҳаллий ҳукмдор шарафига «Гумбиннен» деб аталган. Аммо 1811 йили бу ном ўзгартирилган. Дарвоқе, ўша даврда дарвоза бомбардимон қилиниб, хароб ҳолга келиб қолган. Кейинчалик моҳир муҳандисларнинг меҳнати ва иходкорлиги натижасида қайтадан аҳолига келтирилган. Манбаларда келтирилишича, 1945 йили Кириллик дарвозаси атрофида немис зобитлари хибса олинган.

Қадимги готика услубида яратилган, шаклан кичик

қалъага ўхшаш ушбу дарвоза 1960 йилда давлат мухофазасига олинган. Экспонат Жаҳон океан музейи қошидаги «Буюк элчихона» тарихий-маданий маркази рўйхатига киритилгани боис, ундан ичкарига рухсатномасиз кириш мумкин эмас. 4,5 метр кенгликка эга дарвоза учта тенг вертикал қисмдан иборат. Ажабланарлиси, ўртадаги ўтиш эшиги юқоридан кўтарилади. Рамзий қалъа дарвозасининг тўртта бурчагида тўрт хил азим минора бўй чўзган. Утишида унинг остида пиёдалар учун ўтиш йўлиги, шимолий бўлмада эса зиндон бўлган.

«Осмон остонаси» ёки маданий маскани

Киевдаги архитектура ёдгорликларидан бири Олтин дарвозанинг кенглиги 7,5 метр, баланглиги 9,5 метр бўлиб, қадимда шаҳар марказига у орқалигина кирилган. Шаҳар бир неча километр узунликдаги сопол девор билан ўралган. Дарвоза тагида яширин ҳандақлар бўлган.

Тарихчиларнинг қайд этишича, рамзий дарвоза ёнида шаҳар аҳолисининг аксарият қисми насроний эканини англатувчи гумбазли черков қурилган. Маҳаллий халқ эса тонгда кўёш нурлари Олтин дарвоза ва черковдан ўтиб, Киевни зулмат ва ёвузликдан асрашига ишонган. Бу ҳатто уларнинг фольклор асарларида ҳам ўз аксини топган. Улар дарвозани «осмон остонаси» дея таърифлаган.

1240 йили Ботухон кўшинлари харабага айлантирган мазкур дарвоза тарихига бағишлаб, шаҳарда мўъжаз павильон ҳам ташкил этилган. 1982 йили Киевнинг 1500 йиллиги муносабати билан, 2007 йили эса дарвозанинг қолган қисмларини сақлаб қолиш ва тиклаш, ташқи кўринишини янада яхшилаш мақсадида таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Олтин дарвоза майдони панорамаси шаҳарнинг тарихи ва меъморийлигидан ҳикоя қилувчи қимматли маданий ёдгорликдир. Хусусан, XIX асрда унинг ёнига дарактлар экилган, ўридиклар ўрнати-

либ, 1902 йилга қадар улкан боғ ҳам барпо этилган. Ҳозир сайёҳлар қадами аримайдиган бу боғда ваза шаклидаги олтита фаввора қурилган бўлиб, атрофидаги музей, очик майдончалару ошхоналар доим гавжум.

Тошкентнинг 12 дарвозаси

Қадимги шаҳарсозлик анъаналарига эътибор берсак, Марказий Осиедаги ҳар бир шаҳарда 10—12 тадан дарвоза барпо этилганига гавжум бўлаемиз. Мозийда асосан мудофаа мақсадида қурилган қалъалар мустаҳкамлиги ва химоси дарвозага бириктирилган аскар ва чопарларга боғлиқ бўлган. Ана шундай машҳур дарвозалар Тошкент шаҳрида ҳам бўлган.

Урта асрларда шаҳар мудофаа деворига ўрнатилган ушбу дарвозалар тарихий манбаларда «Бинкат дарвозалари» деб ҳам юритилади. Муаррих Ибн Ҳавқалининг ёзишича, Бинкат арх, шаҳристон, ички ва ташқи рабоддан иборат бўлиб, арқнинг икки дарвозаси, шаҳристоннинг Абул Аббос, Кеш (маъноси «қаср») ва Жунайд (гумбаз) деб аталган уч дарвозаси бўлган. Ички рабоднинг Работи Ҳамдейн (хумдон), Оҳанин (темир қопланган), Мир, Фаркон, Сурқада, Карманж, Кўйи Саҳл, Рошидизак, Кўйи Хоқон, Кўшиқ Дехқон каби 10 та, ташқи рабоднинг эса Фаркат (Паркат), Хускат (Хушкат), Сандижак (Сангдизак), Оҳанин, Бакрдишак, Сакрак, Сағрибод (Бофардия) деб аталган етти та дарвозаси бўлган.

Шаҳар ягона мудофаа девори билан ўраб олиниб, химоя истеҳкомига айлантирилиши ҳисобига девор бўйлаб ўрнатилган дарвозаларнинг жойи ва номлари ҳам ўзгариб турган. Тарихчи Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, XIV аср охирида шаҳарнинг 12 дарвозаси (Киёт, Турк, Ўзбек, Тахтапул, Қорасарой, Чигатоӣ, Субониён (Сағбон), Кўкча, Камондарон, Кангли, Бешоғоч ва Катагон) бўлиб, уларни қўриқлаш маълум бир қабила сардорларига топширилгани боис, дарвозалар қабила номлари билан аталган.

Bilasizmi?

«Абдуллонама» асарига 1580 йили Абдуллоҳон II Тошкентни қамал қилиб, 6 тарафдан ҳужум қилишга фармон берганда, шаҳарнинг Фаркат, Шибли, Кўкча, Туркистон (янги қурилган), Самарқанд, Регистон каби дарвозалари нечоғли мустаҳкамлиги қайд этилган. Кейинги асрларда шаҳар мудофаа девори ташқи душманлар ҳужуми таъсирида аста-секин вайронга айланган.

Тошкент Чор Россияси томонидан босиб олинган 1865 йилда ҳам Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чигатоӣ, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешоғоч, Қўймас, Қўқон ва Қашқар деб аталган 12 дарвоза бўлган. Бундан ташқари, Қорасарой дарвозаси шарқда бир отлик ўтишига мўлжалланган Тешик қоғқа (Дарвишак қоғқа) ҳам жойлашган бўлиб, у Дарвишхон (XVI аср) замонида очилиб, дарвоза ўрнатилган экан. Яна бир қоғқа Бешоғоч ва Камолон орқалида бўлган.

Тонгда очилиб, қоронғи тушиши билан ёпиб қўйиладиган ҳар бир дарвозанинг ўз рамзий калити бўлиб, улар олтindan ياسалган. XIX асрнинг 70—90-йилларида шаҳар ҳудудининг кенгайиши ва бу дарвозаларга эҳтиёж қолмагани сабабли, улар бузиб ташланган.

Замонавий дарвозаларгача...

Дарвоза прототипи қадимда одам ўз уйига совуқ ҳаво ёки шамол, йиртқич ҳайвон ва душманлар киришига тўсиқ қўйиши натижасида пайдо бўлган. Вақт ўтиши билан эса техник мурақабликка эга, автоматик дарвозалар ҳам ихтиро қилинди. Бундай замонавий ва бежирим дарвозалар ҳозирги кунда ҳондонимизга осойишталик ва кўрк бағишлаб туради. Ҳатто, тураржой ва кўча бошига ўрнатилган ёғоч ёки металлдан ишланган нақшли, хандасавий шакллarga эга жимжамдор дарвоза тузилиши ва қулайликлари иморат эгаси ёки аҳолининг дидига мосланмоқда.

Дарвоқе, тарихда вазни ниҳоятда оғир дарвозаларга қизиқиш кучли бўлган. Чунки ганимнинг ичкари киришига тўсиқлик қилишда мустаҳкам дарвоза девордан ҳам кўпроқ наф келтирган. Аммо қад ёки ўнган носимметрик суриладиган бундай дарвозаларни очиб-ёпиш ёки юқорига кўтариш хос соқчиларга бирмунча қийинчилик туғдирган. Дарвозалар икки табақали қилиб қурила бошланган, ўз-ўзидан уларни бирлаштириб, қулфлаш механизмига эҳтиёж туғилди. Яна бир жиҳати шуки, илк мудофаа дарвозалари фақат ичкаридан қулфланган. Шунингдек, меҳмонлар уй ёки карвонсарой соҳибларини эшикка қотирилган содда шаклга эга металл тутқич-халқача ёрдамда дарвозани очишга қайраган. Бугун кўнғироқларнинг минглаб турлари бўлиб, улар меҳмонга мезбоннинг уйда бор ёки йўқлигини ҳам билдиради.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ
тайёрлади.

2017-yil 14-oktabr, № 82 (9043)

ТИК ТУРИБ ИШЛАШ ЗАРАРЛИ

Канадалик олимлар иш вақтининг асосий қисмини тик туриб ўтказадиганлар ўтириб ишлайдиганларга нисбатан юрак хасталиқларига кўпроқ дучор бўлишини аниқлади. Ушбу тадқиқот натижалари «American Journal of Epidemiology» нашрида эълон қилинди.



Торонто шаҳридаги меҳнат ва соғлиқни сақлаш институти мутахассислари 12 йил давомида даставвал юрагида муаммо бўлмаган 35—74 ёшли 7300 нафар ишчининг саломатлигини кузатиб, шароитини ўрганди. Мазкур давр мобайнида тадқиқот иштирокчиларининг 3,4 фоизи юрак-қонтомир хасталиқларига чалинган. Бошқа омилларни ҳисобга олмаганда, иши асосан тик туриб ишлашни талаб этадиган корхона ходимларида ўтириб ишлаганларга нисбатан юрак хасталиқлари хавфи 6,6 фоизга кўпроқ бўларкан.

Хатто ишига бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолатлар, масалан, ёши, جنسي, маълумоти, уйдан ишхонага қатнови, оилавий шароити, саломатлиги (қон босими, руҳий ҳолати), одатлари (чекиши, алкоголь маҳсулотлари ичиши ёки аксинча, спорт билан шуғулланиши) ўрганилганда, ижобий натижа қайд этган тик туриб ишлайдиганларда ҳам бу нохуш ҳолат тасдиқланган. Улар қанчалик даражада соғлом турмуш тарзига риоя қилишса-да, узок вақт тик туриб ишлаши ҳисобига ўтириб ишлаганларга нисбатан юрак касаллиқларига икки баробар кўпроқ дучор бўларкан.

— Шунинг учун ишда ўтириб ҳам, туриб ҳам ҳаракатланишга ўрганиш лозим, — деди тадқиқот гуруҳи раҳбари, доктор Питер Смит. — Бу комбинация инсон юрагининг соғлом ишлаши учун фойдали. Қолаверса, юрак хасталиқлари стресс даражасига ҳам боғлиқ эканини унутманг.

СОМОН ЙЎЛИДА ҚОРА ТҮЙНУК ТОПИЛДИ

Япониялик астрофизиклар коинот бағридаги Сомон йўлида янги қора туйнуқни қайд этгани «Nature Astronomy» журналида маълум қилинди.

Янги қора туйнуқ Куёшга нисбатан юз минг марта узокроқ ва Сомон йўли марказидан 60 парсек узок масофадаги молекуляр газ (СО-0.40-0.22 объект) булутида жойлашган. Ўртача вазнга эга бу қора туйнуқ юлдузлар ўрта-



сидаги гравитацион оралиқ масофа, айна пайтда фақат бир неча унга ўхшаш объектлар орасидан топилди.

ALMA (Atacama Large Millimeter Array) обсерваториясида олимлар 265,9 ва 230,5 гигагерц частотали нурланишни қайд этган. Мутахассислар компьютер симуляцияси ёрдамида СО-0.40-0.22 гача бўлган ҳаракатдаги газ булутида ўрта массали қора туйнуқ мавжудлигини исботлади. Тадқиқот муаллифлари келгусида ушбу объектни батафсил ўрганиш, шунингдек, ўрта массали қора туйнуқларнинг янги турларини топишни режалаштирмақда.

ДИАБЕТ НЕГА КЕЛИБ ЧИҚАДИ?

Буёқ Британиядаги Ньюкасл университети олимлари қандли диабет келиб чиқишига сабаб бўлувчи асосий омилларни аниқлагани «Лента» манбасида ёзилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, охириги 25 йил ичида диабет билан касалланган катта ёшлилар сони тўрт баробар ошди. Ҳозир дунё миқёсида бу хасталикка чалинганлар 400 миллиондан зиёдни ташкил этади.

— Диабет моддалар алмашинуви, аниқроғи, инсулин билан боғлиқ сурункали касаллик, гормонал бузилишдир, — деди университет профессори Рой Тейлор. — Инсулин эса углевод алмашинуви ва озиқ-овқат таркибидаги глюкозанинг сингишига таъсир кўрсатувчи муҳим гормон бўлиб, эндокрин тизими, ошқозон ости безида ишлаб чиқарилади. Инсулинсиз глюкоза организм ҳужайраларига етиб бормай, қонда қолиб кетади. Оқибатда асаб тўқималари ва органлар фаолияти кескин бузилади.

Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, қандли диабет кўпинча қувват билан боғлиқ муаммолар, кўриш қобилиятининг пасайиши, буйрак касаллиги, юрак хуружга олиб келунга қадар сезилмайди. Сувчечак, қизилча, паротит ва ҳатто грипп диабетни кўзгатувчи омиллар бўлиши мумкин. Шифокор-эндокринологлар қандли диабет текшируви учун кўнгиллилар иштирокида оч қоринга бармоқдан қон олиб, қондаги инсулин, С-пептид ва гликозил гемоглобин даражасини аниқлайди. Маълум бўлишича, бу дардга кўпроқ камҳаракат ҳамда ортиқча вазинга эга кишилар чалинади.

Агар диабетнинг аниқ белgilari бўлмаса, лекин шу билан боғлиқ хавф сезилса, йилда бир марта қандли диабетга қон топшириш, соғлом одамлар эса бундай текширувдан уч йилда бир марта ўтиши керак. Мутахассислар диабет хавфидан йироқ бўлиш учун ўртача вазини ушлаб туриш, кунига ярим соат жисмоний машқлар билан шуғулланиш, қанд ва тўйинган ёғлардан иборат маҳсулотларни камроқ истеъмол қилишни тавсия этишади.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ тайёрлади.



реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон

Хусанов Алижон Каримовичнинг 03.00.06 — Зоология «Шарқий Фарғона ширалари (Номертега: Arhidinea) фаунаси ва морфо-экологик хусусиятлари» мавзусидаги (биология фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси ЎзР ФА Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.B.52.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 27 октябрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзи: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишмола кўчаси, 232-“Б” уй.
Зоология институти мажлислари зали. Тел/факс: (0-371) 289-04-65, 262-79-38;
e-mail: igpra@academiy.uz.

Хасанов Атабек Абдирашидовичнинг 23.00.02 — Сийёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар ихтисослиги бўйича «Ўзбекистонда парламент назорати институтини демократлаштириш жараёни» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 27 октябрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзи: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУнинг Ижтимоий фанлар факультети. 117-хона. Тел/факс: (0-371) 227-12-24, 246-53-21, 246-02-24;
e-mail: rector@nuu.uz.

Каримов Фарход Эркиновичнинг 23.00.02 — Сийёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар ихтисослиги бўйича «Яқин Шарқ давлатларидаги этносий жараёнларнинг мнотақа хавфсизлигига таъсири» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 27 октябрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзи: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУнинг Ижтимоий фанлар факультети. 117-хона. Тел/факс: (0-371) 227-12-24, 246-53-21, 246-02-24;
e-mail: rector@nuu.uz.

Исманова Одинахон Тулкинбаеванинг 01.04.10 — Яримўтказкичлар физикаси ихтисослиги бўйича «Аморф кремний асосли кўш элементларнинг фотогальваник характеристикаларининг ҳароратга боғланиши» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 25 октябрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзи: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2-“Б” уй.
Тел/факс: (0-371) 235-42-91; e-mail: lutp@uzsci.net.

Махманов Урол Қудратовичнинг 01.04.05 — Оптика ихтисослиги бўйича «Енгил фуллеренлар (C₆₀, C₇₀) эритмаларида молекулаларнинг кластерланиши ва унинг эритмаларнинг оптик ҳамда нонизик-оптик хоссаларига таъсири» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 25 октябрь куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзи: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2-“Б” уй.
Тел/факс: (0-371) 235-42-91; e-mail: lutp@uzsci.net.

Хатардан холи яшанг!

Қундалик ҳаётимизда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиш хавф-хатарларнинг олдини олишда муҳим омилдир. Чунки олов фасл, фурсат ёки макон танламайди, қутулмаганда, озгина эҳтиётсизлик, бепарволик оқибатида катта офатга айланади.

Шунга қарамай, аксарият ҳолларда ёнгинлар айнан аҳоли тураржойларида, кўп қаватли биноларда содир этилаётганини инкор этиб бўлмайди. Қундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнгинларни таҳлил қилсак, аксарият ҳолатларда бундай офатлар бепарволик, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик ёки уни назар-писанд қилмаслик оқибатида юзага келаётганининг гувоҳи бўламиз.

Хусусан, айрим фуқаролар хонадонининг электр таъминоти тизимини ўзлари билганча таъмирлайди. Бунинг натижасида ёнгин юзага келиши, барча уй жиҳозларига зарар етказиши мумкин.

Азиз юртдошлар, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш билан сиз ўз уйингиз, оилангиз ҳамда атрофдагиларни офатдан сақлаган ва пойтахтимиз осийишталигига ҳисса қўшган бўласиз. Зеро, ёнгинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш афзал эканини унутмайлик.

Шерзод ИБРАГИМОВ,
“Истиклол” санъат саройи ЁХБ смена бошлиғи, капитан,
Шавкат УМАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги
ЁХБ инспектори, сержант

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси хорижий филология факультети “Инглиз филологияси” кафедраси профессори
Ўқтир ЮСУПОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига таъзия билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси физика факультети 1-тоифали муҳандиси Тоир Худойберганов валида муҳтарамаси
Анна ХУДОЙБЕРГАНОВанинг
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Shingil hikoyalar

Василий СУХОМЛИНСКИЙ

Салом сеҳри

Ўрмондаги сўқмоқдан ота ва ўғилча-си кетиб борарди. Сукунат чўккан, фақат қаердадир қизиштиштон тақ-туқ қиладди, ичкарида ирмоқ жилдирайди.

Тўсатдан болакайнинг кўзи ҳасса таяниб келаётган чолга тушди.

— Дада, анави бобо қайга кетяпти? — деб сўради у.

— Бирортасини кўргани, биров билан учрашгани ё кимдидир кузатгани, — деб жавоб берди ота. — Унга яқин келганимизда «Салом», деймиз, хўпми?

— Нега бундай дейишимиз керак? — ҳайратланиб сўради ўғил. — Ахир, биз уни умуман танаймиз-ку.

— Нега эканини кейин ўзинг тушуниб оласан.

Ниҳоят улар бир-бирларига юзма-юз келишди.

— Салом, бобо! — деди ўғил.

— Салом! — деди ота.

— Салом, салом, — деб жавоб қайтарди бобо ва жилмайиб қўйди.

Боланинг ҳайратига ҳайрат қўшилди: бутун атроф ўзгариб кетди. Куёш ёрқинроқ нур соча бошлади. Дарахларнинг япроқларини майин шабада елпиди, япроқлар ўйнаб, ёқимли шитирлади. Панадаги қушлар сайрашга тушди — шу пайтгача уларнинг овози эшитилмаётган эди.

Боланинг қалби қувончга тўлди.

— Нега бундай бўлди? — деб сўради у.

— Чунки биз бобога салом бердик ва у жилмайиб алик олди, — деди ота.

Одам бўлиш қийин

Болалар кун бўйи ўрмонда ўйнаб, ортга қайтишди. Уйга кетадиган йўл кичкина бир кўрғончадан ўтарди. Кўрғонча қишлоқдан бир неча чақирим бериди, водийда жойлашган эди. Ҳориб-чарчаган болалар бу ерга зўрға етиб келишди. Яқин орадаги уйдан сув сўрашди. Ичкаридан бир аёл ва унга эргашиб болакай чиқди. Ҳалиги аёл қудуқдан сув олди-да, челлакни ҳовли ўртасидаги столга қўйди. Сўнг уйига кириб кетди. Болалар маза қилиб чанқоқларини қондиришди, майсалар устида ёнбошлаб, ҳордиқ чиқаришди.

Кўрғончадан чиқиб, бир

чақиримча йўл босганлариди Марийка тўсатдан эслаб қолди:

— Ие, боя аёлга сув учун раҳмат айтмабмиз-ку. — Унинг кўзларида хавотир акс этди.

Болалар тўхташди. Ҳақиқатан ҳам, улар миннатдорлик билдиришни унутишганди.

— Нима бўпти? — деди Роман. — Осмон узилди ерга тушгани йўқ-ку. Уша хотин бизни аллақачон эсдан ҳам чиқариб юборган бўлса керак. Шу арзмаган нарсани деб қайтишимиз керакми энди?

— Керак, — деди Марийка. — Наҳотки ўзингдан уялмасанг, Роман?

Роман масхараомуз кулди. Туришидан, у ҳеч қанақа уят ҳиссини туймаётган эди.

— Ўзларинг биласанлар, — деди Марийка, — мен қайтиб бориб, аёлга раҳмат айтиб келаман.

— Нега? Нима учун унга миннатдорлик билдиришимиз керак? — деб сўради Роман.

— Чунки биз одаммиз, инсонмиз...

Марийка ортга бурилиб, йўлга тушди. Унинг кетилган ҳамма эргашди. Роман бир лаҳза ҳаракатсиз турди, сўнг бир тин олиб, шерикларига қўшилди.

“Одам бўлиш қийин-да...” деб ўйлади у.

Етти қизнинг соғини

Бир онанинг етти қизи бор эди. Бир куни онаизор узоқда яшайдиган ўғлини-кига кетди ва у ерда ҳафта туриб қайтди. Уйга кириб келган заҳоти қизлари бири олиб-бири қўйиб, уни қанчалар соғинганини изҳор қила бошлашди:

— Мен сизни ўт-ўланлар қуёшли майсазорни соғингандай соғиндим, — деди катта қизи.

— Мен сизни қақшаган ер бир томчи сувни кутгандай кутдим, — деди иккинчиси.

— Мен сизга полалон онасига ичкандай ичкдим, — деб эрканди учинчиси.

— Асалари гулсиз қандай қийналса, мен сизсиз шундай ҳолатга тушим, — деб шивирлади тўртинчиси.

— Атиргул шабнамни туш кўрганидай мен сизни ҳамиша тушимда кўрдим, — деб дил изҳори қилди бешинчиси.

— Олчазор боғ булбулга интизор бўлгандай сизга интизор бўлдим, — деди ҳаяжонга тўлиб олтинчиси.

Еттинчи қиз эса бир оғиз ҳам сўз айтмади. У онасининг этигини ечиб, оёқларини ювиши учун тоғорада сув келтириб қўйди.

Ҳошқирлик

Андрей бобо невараси Матвейни меҳмонга чақирди. Дастурхонга катта косада асал ва нон қўйди.

— Қани, болам, асалдан ол. Хоҳласанг қошиқлаб, хоҳласанг нон билан тушир. Олавэр.

Матвей асални нонга суртиб ураверди. Охири нафас ололмай қолди. Терларини артиб, тин олди ва сўради:

— Бобо, бу жўка асалими ё маржумак асалими?

— Нима делинг? — ҳайрон бўлиб сўради бобо. — Маржумак асали-да, болам.

— Барибир жўка асали ширинроқ бўлади-да, — деди Матвей ва эснади: тўйиб овқатланганидан унинг уйқуси келарди.

Андрей бобонинг юрагини қандайдир оғриқ

ғижимлади. У жим қотди. Невара сўрашда давом этди:

— Ноннинг уни баҳорги буюдоникими ё кузги?

Андрей бобонинг рангида ранг қолмади. Қалбда қаттиқ сanchiq туйди. Нафас олиши қийинлашди. Кўзларини юмиб, инграб юборди.

Алексей ТОЛСТОЙ

Кўзани чўктирган тулки

Тулки қишлоққа келиб, кимсасиз бир уйга йўлиқди. У ерга киргач, нигоҳи сариеғ солинган кўзага тушди. Лекин идишнинг бўғзи анча тепада экан, мойни қандай қилиб олишга боши қотди. Уйлай-уйлай кўзага калла суқиш ҳаракатига тушди. Ниҳоят, бунинг уддасидан чикди ва сариеғни мазза қилиб туширди.

Шу пайт уй эгаси келиб қолди. Тулки кўзадан бошини чиқара олмади, шу ҳолатда ура солиб ташқарига отилди. Югура-югура дарё бўйига бориб қолди ва деди:

— Бўлди-да, энди, кўзавой огайни, ҳазиллашгандим, қўйворсанг-чи!..

Аммо кўза унинг сўзларига кулоқ солмади. Тулки яна тилга кирди:

— Ҳозир бориб музўйиққа тикаман сени, ёгинг тўғнайди, ўзингни бўлса, синдириб майдалайман!

У шундай деб музўйиққа борди ва эгилиб кўзани сувга тикди.

Кўза катта ва оғир бўлганидан чўка бошлади ва тулкини ҳам ўзи билан бирга тортиб фарқ қилди.

Михаил ПРИШВИН

Олмаҳоннинг зеҳнига ҳавас

Бугун эрталаб ҳайвонлар ва қушларнинг изларига қараб, улاردан шундай нарсаларни ўқидим: олмаҳон қор ичидан ийсин (зах ерларда, тош, дарахтлар устида ўсадиган илдиз-ийсин майда ўсимлик, моҳ)га йўл очибди. У ердан кўзда яшириб қўйган ёнғоқларини олиб, ўша жойнинг ўзида ебди — пўчоқлари сочилиб турибди. Кейин ўн қадамча нарига югуриб борган-да, яна ер кавлаган, яна пўчоқларни қолдириб, озгина нари кетган ва учинчи бор қазийма ишларига киришган.

Бунинг нимаси ажабланарли, деяспизми? У қалин қор ва муз тагида ётган ёнғоқларни исидан топмагани аниқ. Демак, у кўзда кўмиб қўйган ёнғоқлари ва улар орасидаги масофани шунча пайтдан буён эслаб юрган.

Лекин бундан ҳам ҳайратланарлиси, у бизга ўхшаб сантиметрлаб ўлчаш имконига эга эмас. Ҳаммасини кўз билан, лекин жуда аниқ ҳисоб-китоб қилган, сўнг яширган ҳазинасини кавлаб олган. Олмаҳоннинг бундай хотираси ва зеҳнига ҳавас қилмай бўладими?

Николай СЛАДКОВ

Жиблажибоннинг хатлари

Чорбоғ эшигимиз ёнига почта қутиси қоқиб қўйилган. Қути қўлбола, ёғочдан ишланган, хат ташлаш учун кичкина тиркиши бор. Деворда кўпдан бери осилиб турганидан тахталари кулранг тусга кириб, ичига ёғочқурт тушган.

Кўзда боққа қизиштиштон учиб келди. Қутига кўниб, унга тумшук урди ва ичида ёғочқурт борлигини дарров билди. Хат солинадиган тиркиш ёнидан бир тешик очди.

Кўкламда эса чорбоққа узун думли нозиккина кулранг қуш — жиблажибон кўноқ бўлди. У «пирр» этиб қутига кўнди-да, қизиштиштон очган тешикка назар ташлади. Маъкул бўлди шекилли, шу ернинг ўзига ин қилиб олди. Биз уни «Почтачи», деб атайдиган бўлдик. Почта қутисига яшаётгани учун эмас, сабаби бошқа. У худди ҳақиқий почтачи каби қутига турли хил қоғозларни олиб келиб ташларди.

Чинакам почтачи келиб, қутига хат солганда, жиблажибон чўчиб учиб чиқар, узоқ вақт том устида чийиллаб чарх урарди. Бундай пайтлари дарров сезарди: жиблажибон безовта — демак, бизга хат келибди.

Қушимиз тез орада бола очди. Шундан сўнг бутун куни хавотиру ташвиш билан ўтади: полалонларини боқиши ва ҳар хил душманлардан

ҳимоя қилиши керак. Энди почта кўчада пайдо бўлиши билан унга пешвоз чиқади, бошида айланиб чирқиллайди. Жиблажибон уни бошқа одамлардан жуда яхши ажратарди.

Хавотирли чирқиллашни эшитганимиз заҳоти почтачини қутиб олгани югура, хат ва газеталарни олишга шошилдик. Чунки митти қўшимиз ваҳимага тушишини истамасдик.

Полалонлар тезда катта бўлди. Дадилроқлари қути тешигидан бош чиқариб, тумшукларини у ёқ-бу ёққа айланттирар, қўшга қараб кўзлари қамашарди. Бир куни бутун бахтли оила кенг, қуёш яхши тушадиган дарё саёзлигига учиб кетди.

Кўзда эса дарбадар қизиштиштон яна бизни йўқлаб келди. У почта қутисига кўниб, исананага ўхшаш тумшуклари билан тешикни кенгайтиришга тушди. Уйиқ охири қўл сизадиган даражага етди.

Мен шу ёриқдан қўл солиб, жиблажибоннинг «хат»ларини чиқариб олдим. Улар турли хас-хашаклар, газета қийқимлари, уадалар, юнглр, қандоғоз ва қипиқлардан иборат эди.

Қишга бориб, қути бутунлай пўтурдан кетди. Хат солишга ярамай қолди. Лекин уни ташлаб юбормаймиз. Кулранг «Почтачи» миз келишини ва бу қутига илк кўклам хатларини ташлашини кутамиз.

2017-yil 14-oktabr, № 82 (9043)

«УМИД НИХОЛЛАРИ», ДАВРАНИ КЕНГРОК ОЛИНГ!

"Умид нихоллари" спорт мусобақаси минглаб ўқувчилар қалбда жисмоний тарбияга бўлган меҳр ва қизиқишни кучайтириб, ўзига бўлган ишончини мустақамлашга хизмат қилапти. Спортга меҳр қўйган бундай ёшлар халқаро майдонларда юксак марраларни забт этиб, жонажон юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланган ёшлар соғлом ва баркамол бўлиб камол топиши эса ҳеч кимга сир эмас.

Бухоро вилоятида "Умид нихоллари" спорт мусобақалари ҳамisha ўзгача кайфиятда, кўтаринки руҳда ўтади. Мухими, шу фестивал баҳо-насида ўнлаб янги номлар, бўлғуси чемпионлар кашф этилади.

— Жорий ўқув мавсумида ўтказиладиган «Умид нихоллари»дан умидимиз катта, — деди вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассиси Сухроб Раҳимов. — Шу боис, мазкур мусобақаларга қизгин тайёргарлик кўраямиз. Спортнинг 23 тури бўйича ташкил этиладиган бу галги спорт ўйинларини юқори савияда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларини шакллантирдик. Бу спорт иншоотларида мусобақа иштирокчилари учун етарли шарт-шароит яратилиши ва тадбирлар рисоладагидек бўлишини таъминлайди.

Айни пайтда вилоят мактабларида дастлабки босқич беллашувлари ўтказилаяпти. Хусусан, Пешку туманидаги 11-мактабда бўлиб ўтган илк мусобақаларда ўқувчилар дўстона рақобатга киришди.

— Мактабимизда 1012 нафар ўқувчи ўқийди, — деди директор Незмат Розиков. — Улардан 500 нафари 12 турдаги спорт тўғаракларига қатнашади. Нуриддин Аъзамов, Фахриддин Ражабов, Аҳад Адизов ва Умид Розиков каби тажрибали му-

раббийларимиз сазой-ҳаракати билан ўқувчиларимиз "Умид нихоллари" мусобақаларида фаол қатнашаляпти. Жорий ўқув йилида мураббийларимиз меҳнати ва ёш спортчилар маҳорати яна бир қарра синалади. Улар «Умид нихоллари»нинг вилоят босқичида қатнашиб, ғолиб ва совриндор бўлишига ишонамиз.

— Ҳозиргача белгиланган спорт турларининг 17 таси бўйича илк саралаш мусобақаларини ўтказдик, — дейди жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Нуриддин Аъзамов. — Аввал ўқувчиларга мазкур спорт турлари бўйича батафсил тушунча бераямиз. Бунинг учун фойеда «Умид нихоллари — 2018» бурчаги ташкил этилди. Унда машҳур спортчиларимиз эришган ютуқлар ва суратлар, ўқувчилар қизиқишини оширувчи турли стендлар жойлаштирилган.



Навий шахридаги 10-мактаб ўқувчилари кейинги йилларда турли спорт мусобақаларида муносиб иштирок этиб, шаҳар ва вилоят миқёсида ажойиб натижаларга эришмоқда. Барча спорт инвентарлари билан жиҳозланган 24x12, 12x12 метр ҳажмдаги иккита спорт зали, шунингдек, стол тенниси хонаси спортсевар ёшлар ихтиёрида.

Муассасада 45 нафар вилоят, 32 нафар республика чемпиони, 5 нафар халқаро турнир совриндори таълим олмақда. Жумладан, 10-синф ўқувчиси Юлдуз Усмонова қиличбозлик бўйича Таиландда бўлиб ўтган Осий чемпионатида, Зиннура Баҳриддинова бадий гимнастика бўйича Қозғистонда ташкил этилган халқаро турнирда, Маҳмуд Сайдуллаев эса юнон-рум кураши бўйича пойтахтимизда уюштирилган халқаро хотира турнирида совринли ўринларни эгаллади.

— Мактабимизда ўқувчиларнинг энг сеvimли спорт тадбири — "Умид нихоллари"га қизгин тайёргарлик бошлаб юборилган, — деб ҳикоя қилди жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, кураш бўйича спорт усталигига номзод Алишер Очилов. —

Ҳозир мактабимизда спортнинг 16 тури бўйича ташкил этилган тўғаракларга қатнаётган ўқувчилар орасида "Умид нихоллари — 2015" беллашувларида яхши натижа қайд этган Анара Шамсиева, Дилфуза Ҳамидова ва Юлдуз Усмонова сингари ёшларимиздан умидимиз катта.

Этиборлиси, "Умид нихоллари" спорт мусобақалари иштирокчилари фақат жисмоний жиҳатдан эмас, балки руҳий ва маънавий жиҳатдан ҳам ўсиб, ўз тенгдошларига намуна бўлишга интиломоқда. Спорт машғулотларида тобланган бундай ёшлар аниқ ва гуманитар фанларни ҳам катта қизиқиш билан ўзлаштиряпти.

Урганч туманидаги 19-мактабнинг спорт зали бироз таъмир-талаб бўлса-да, ўқитувчи ва ўқувчиларда жисмоний тарбия ва спортга бўлган эътибор ва иштиёқ юқори эканига ғувоҳ бўлдик. Жисмоний тарбия фани ўқитувчилари, ака-ука Абдулла ва Мансур Бобононов сазой-ҳаракати билан мактаб ўқувчилари "Умид нихоллари" спорт мусобақаларида кўп йиллардан бери муносиб иштирок этиб келмоқда.

Мактабда қўл тўпи бўйича ўғил болалар ва қизлар жамоаси 2003 йилдан буён мунтазам шуғулланиб келмоқда. Эътиборлиси, 2006 йили мактаб гандболчилари "Умид нихоллари" спорт ўйинларида вилоятда 2-ўринга кўтарилган ва ўшанда Мансур 9-синф ўқувчиси эди. Унинг мазкур мусобақанинг республика бос-

қичида фаол иштироки мактаб ўқувчиларига намуна қилиб кўрсатилади.

2008 йили бўлиб ўтган "Умид нихоллари" спорт мусобақасида қизлар жамоаси туманда тенгсиз бўлди ва 2012 йилгача биринчи ўринни қўлдан бермади. Абдулла Бобононов ўз ёнига олий ўқув юртини таъомлаган укаси Мансурни қорлагач, ютуқлар кўлими янада ортди. Хусусан, 2012 йилда 10-мактаб ўқувчиларининг қўл тўпи жамоаси (ўғил болалар) вилоят биринчилигида ҳам ғолиб бўлиб, республика ҳудудий босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилояти вакилларидан устун келиб, Навоий шаҳрида ўтказилган финал босқичида фаол қатнашди. Шундан буён Бобононовлар шогирдларига вилоятда тенг келадиган жамоа топилмапти.

— Жорий ўқув йили давомида ўтказиладиган навбатдаги «Умид нихоллари» спорт мусобақаларининг вилоят босқичигача ҳали бир қатор синовлар бор, — дейди мураббий Мансур Бобононов. — Шундай бўлса-да, бошқа туманлардаги ёшлар билан муносиб рақобатлашиш учун пухта ҳозирлик кўраямиз. Ҳозир асосан 9—10-синф жамоаларини шакллантиришга эътибор қаратяпмиз. Уларни катта залларга кўнктириш учун Урганч давлат университетига ва Олимпия захиралари коллежи майдонларига олиб бориб, катта ёшдагилар билан мусобақага тушираямиз.

Ҳа, жисмоний ва руҳий тайёргарлик пухта бўлса, рақибни энгши осонлашади. Тажрибали ва талабчан мураббийлар ва етарлича шароитга эга мактаб ўқувчилари бу галги «Умид нихоллари» спорт ўйинларида фақат қўл тўпи ёки волейбол эмас, балки бошқа спорт турлари бўйича ҳам бир қадам олдинга юришни кўзлайпти. Бунда уларни ота-оналар, ўқитувчилар, маҳалладошлар қўллаб-қувватлаб турибди.

Ирода ОРИПОВА, Ойбуви ОЧИЛОВА, Маҳмуд РАЖАБОВ, «Ma'rifat» мухбирлари

Саломатлик баркамолликдир

Шарқда қадимдан шахсни жисмоний ва маънавий соғломлаштиришга катта эътибор қаратирилган. Масалан, "Алпомиш" дostonида Алпомиш иродаси бақувват, ахлоқий сифатларга эга, ҳар томонлама етук инсон сифатида талқин этилган. Форобий "Ақл тўғрисида"ги рисо-ласида 12 тўғма хислатни ўзида мужассамлаштирган инсонгина ахлоқли бўлади, дейди ва адолатлилик, зехн-лилик, билимлилик каби хислатлар қатори жисмоний соғлом бўлиш кераклигини ҳам кўрсатиб ўтади. Унинг таъкидлашича, инсон тана аъзолари шундай мукамал ривожланган бўлсинки, токи у бахармоқчи бўлган ишларини осонлик билан амалга оширсин.

Соҳибқирон Амир Темур эса авлодлар саломатлигига алоҳида эътибор қаратиб, бу ишни фарзандлари ва наби-рларига келин танлашдан бошлаган. "Келин бўлишининг, — дейди у, — насл-насабини, етти пуштини, жисмоний камолотини, одоб-ахлоқ ва соғломлигини ҳок одамлар орқали аниқлатдим". Шу боис, Темурий шаҳзодалар орасидан Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур,

Хусайн Бойқаро, Гулбаданбегим каби етук инсонлар етишиб чиққан.

Шарқ мутафаккирларидан Ибн Сино "Тадбири манозил" асарида жисмоний ва руҳий саломатлик бир-бирига боғлиқлигини изоҳлаб, жисмоний жиҳатдан соғлом инсоннинг маънавияти ҳам юксак бўлишини илмий ва амалий жиҳатдан асослаб беради. Жадид намояндаларидан бири Абдулла Авлоний ўзининг "Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ" асарига бадан ва фикр тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, ҳар икка-ласини "бир чопоннинг ўнг ила терси" деб таърифлайди. "Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопоннинг устини қўйиб, астарини ювиб овора бўлмоқ кабудир-ки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур".

Мустанқиллик йилларида баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. "Баркамоллик" жуда серқирра тушунча бўлиб, инсоннинг ҳам маънавий, ахлоқий, ҳам жисмоний, интеллектуал салоҳиятини ўз ичига олади. Шу боис, мамлакатимизда ёш

авлодни жисмоний жиҳатдан соғломлаштиришга биринчи даража эътибор қаратилди. Яъни, соғлом авлодни тарбиялаш учун оила ва никоҳ масалалари, аҳоли репродуктив саломатлиги назоратга олинмоқда. Оила қураётган ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш ёки она ва бола саломатлигини назорат қилиш мақсадида скрининг марказлари фаолияти йўлга қўйилгани шулар жумласидан.

Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний соғломлаштириш мақсадида спортга жиддий эътибор қаратилиб, ёшлар ўртасида "Умид нихоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Бундай спорт ўйинлари ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини ўстириб, уларни рағбатлантирмоқда, жисмоний жиҳатдан соғлом улғайишига ёрдам бермоқда.

Жисмоний соғломлаштириш борасидаги асосий муаммо оилавий спортни ривожлантириш, мусобақаларга ўрта ва катта ёшдаги кишиларни тўла қамраб олишнинг имконияти бўлмаётганидир. Бундай камчиликларни ҳар бир инсонда соғлом турмуш тарзи ва кенг дунёқарашни шакллантириш орқалигина бартараф этиш мумкин.

Жисмоний соғломлаштириш борасидаги асосий муаммо оилавий спортни ривожлантириш, мусобақаларга ўрта ва катта ёшдаги кишиларни тўла қамраб олишнинг имконияти бўлмаётганидир. Бундай камчиликларни ҳар бир инсонда соғлом турмуш тарзи ва кенг дунёқарашни шакллантириш орқалигина бартараф этиш мумкин. Бунинг учун ўғил-қизларимизга мактабгача таълим муассасаси ва мактабданок соғлом турмуш тарзига риоя қилишни ўргатиб боришимиз зарур. Таълим муассасаларида тиббиёт хоналарининг ташкил этилиши, уларга малакали шифокор ва ҳамшираларнинг

жалб этилиши айнан шу мақсадни кўзлайди. Мактаб ўқувчилари учун турли мутахассислар билан давра суҳбатлари ташкил этилиб, уларга шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш ва айрим юқумли касалликлардан ҳимояланишнинг бирламчи чоралари тушунтирилмоқда.

Агар фарзандимиз жисмоний жиҳатдан соғлом бўлса, уни турли касалликлар четлаб ўтади ёки дардни энгиб ўтishi анча энгил кечади. Агарда маънавий жиҳатдан соғлом бўлса, у ҳар қандай ёт гоёга бемалол қарши кураша олади, янгиликлар яратиш ва ижод қилишга, жамиятти соғломлаштиришга ва ривожлантиришга қодир бўлади. Мактабимизда бу борадаги барча ишларни самарали амалга оширишга интиляпмиз.

Фикримни Амир Темур тuzukларида келтирилган шу сўзлар билан якунламоқчиман: "Men Piru komil Bahouddin Naqshbandning қуйидаги панду-насихатига амал қилдим: "Kam yeng — соғлом ва бадавлат бўласиз, кам uxlang — мукамалликка эришасиз, кам gapiring — dono бўласиз". Дарҳақиқат, асрлар синовидан ўтган бу ҳикмат бугун ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

Гулнора НУРУЛЛАЕВА, Қарши шаҳридаги 39-мактаб директори

Биз кўнгилга борамиз!

Адабиёт қаердан бошланади? Телефонингиз экранидан бош кўтариб, бир зум шу саволга жавоб изланг-чи! Сизга, тахминан, қанча вақт керак? Уч доқиқа етдимми?! Бизга эса уч кун фурсат берилди. "Боринглар, адабиётнинг қаердан бошланишини топиб келинглар", дейишди. Биз топдик: адабиёт кўнгилидан бошланади...

Ёш ижодкорлар кенгаши ташаббуси билан ўтказилган I Республика ёш ижодкорлар форумида иштирок этган юз элликдан ошиқ қаламкаш ўз қалбида адабиёт куртакларининг унаётганини ич-ичидан ҳис қилган бўлса, ажабмас. Назм, наср, публицистика, таржима, драматургия йўналишида ижод қилаётганлар Бўстонлик тумани бағридаги «Ёшлар оромгоҳи»да жам бўлишди. Мен назм йўналишида қатнашиш учун дилдошу маслақдошлар даврасини соғиниб бордим.

Иштирокчилар орасида неча йиллардан буён яқин бўлиб кетган дўстларим, ака-опаларим, ука-сингилларим билан қайта кўришдик. Баъзиларнинг ижоди билан ижтимоий тармоқлар орқали танишганман. Қатнашчилар рўйхатини шакллантиришда мессенжер ва ижтимоий тармоқлардан унумли фойдаланилгани шунда билинди.

"Хўш, нима қилдингиз?" дейсизми? Шеър айтдик, шеър айтдик, шеър айтдик... Бир-биримизни тингладик. Бундай давраларнинг ўзи ижодкорга устозлик қилади. Бунда тенгдошининг сўзини ўз сўзи билан таққослаш имкони бор. Ижодни ўргатиб бўлмайди, жиловлаб бўлмайди, бунга уринганлар ўз сўзининг жонига «қасд» қиладилар. Бизга семинар машғулотла-



Yoshlarga oid davlat siyosati – amalda

рени ўтган шоир ва ёзувчилар адабиёт ҳақидаги фикрларини билдирди. Аммо адабиёт ҳақида ўз фикримиз бўлишини ҳам таъкидладилар.

Очилиш маросими. Қайси катта ижодкор минбарга кўтарилмасин, "Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди", дея хитоб қиладилар. Улар кўз олдидан пайдо бўлаётган, мустақил, эски қарашлардан тамоман холи, энг муҳими, дунёни чегаралардан иборат мавжудлик деб эмас, яхлит бутунлик дея идрок қилаётган авлод шаклланаётганини тан олиб бормоқда.

Адиблар билан бўлган суҳбатлар, Ёшлар иттифоқи координаторлари томонидан ўтказилган тренинглар яхшию, кўнгил шеърга талпинаверади. Мана, фарғоналик Муҳаммадсиддик содиқ аскар ҳақида ёзганини ўқиди. Севган ёри юртга хоинлик қилганда унга ўқ узган аскар ҳақида. Ахир, Ватан ундан улғ. Жиззахлик Зухра болаларбоп асарлари билан ҳаммага қувонч улашди. Сирдарёлик Зарнигор табассум ҳақидаги машаққат айтганидек, қулган одам атрофдагиларни ўзидан қарздор қилиб қўяди. Уни бир табассум билан узиш керак. Гўзал асарлари билан ҳаммамизнинг қалбимизга қадам

кўйган Бахтинисо Маҳмудовани такрор-такрор тинглайверамиз... Бунча бахт юракка оғирлик қиладилар! Ўзаро суҳбатларга бериламиз. Дунё ҳодисаларию, кўнгил кечинмаларига ҳамма нарса ҳақида сўзлашаверамиз. Кўнгил одами

Бердиевнинг кенгаши томонидан "Истеъдод", "Илк нур" каби ёшлар мукофотларини ташкил этиш гоёси ҳам йиғилганларга манзур бўлди.

— Бу мукофотларнинг бошқалардан фарқи шунда бўладики, улар фақат

ёшларнинг асарлари учун берилди. Ва уларга номзод бўлиш учун ҳеч кимдан ҳужжат тайёрлаш сўралмайди. Балки, бундай мукофот олиш муаллиф учун қутилмаган воқеа бўлади. Ёшларнинг янги асарларини излаб топиш, саралаш ва

тақдирлаш мохир мутахассислардан ташкил топган алоҳида ижодий кенгаши зиммасида бўлиб, шунда ҳам улар кимнинг асарини ўқиётганини билмаслиги керак, — дейди тенгдошимиз.

Сафаримиз охиради. Атрофимдаги дўстларимга қараб, ўйлайман: уч кун олдин ҳамма ўз ташвишлари билан андармон, бир-биримиздан беҳабар юргандик. Бугун эса ҳамма минг йиллик қадрдонлардек гўё.

"Ёшлар оромгоҳи"дан узоқлашарканмиз, автобус деразасига суюниб ижодкор ҳаммаслақларимни кузатаман. Ҳаёлимда эса бир савол айланади: «Адабиёт қаерга боради? Ўт-олов тенгдошларимнинг баралла жавоби эшитилгандек бўлади: Адабиёт кўнгилга боради!

Биз йўлга тушдик...

Сухроб ЗИЁ



Рустам НАЗАРМАТ олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИС
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rtta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi
Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-1015. Tiraj 33095.
Hajmi 4 bosma tabqo. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-4436



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV,
Navbatchi muharrir:
Hulkar TO'YMANOVA.
Navbatchi:
Faxriddin RAHIMOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 22.30 Topshirildi — 23.15

1 2 4 5 6